

Бузувчи эмас, тузувчи бўлайлик!

Адад жиҳатидан аёллар оиланинг, жамиятнинг ярмини ташкил этади. Уларнинг зиммаларига юкланган нозик вазифани бошқалар адо этолмайди. Шундай экан, нозик хилқат эгалари Аллоҳ ризоси учун ўз бурчини сидқидилдан бажарса, улкан мукофотларга сазовор бўлади.

Қуръони каримда: **“Уларнинг кўп шивирлашиб гаплашишларида яхшилик йўқдир. Магар садақа беришга, эзгуликка ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлсалар, бу яхшидир. Кимда-ким Аллоҳ ризоси учун шу ишларни қилса, унга улкан мукофот беражакмиз”**, дейилади (*Нисо сураси, 114-оят*). Бошқа оятда: **“Албатта, мўминлар биродардирлар, бас, икки биродарингиз ўртасини ислоҳ қилинг”**, дейилган (*Хужурот сураси, 10-оят*).

Ояти карималарда таъкидланган **“ислоҳ қилиш”** ибораси ҳар бир мўмин ва мўминага масъулият юклайди.

Аёллар кимларнинг орасини ислоҳ қилиши мумкин? Аллоҳ муваффақ қилса, эзгу ният ва дақиқ сўзлар билан ота-

онасининг, туғишган биродарларининг, фарзандларининг, турмуш ўртоғи ва яқин қариндошларнинг, қолаверса, ён-атрофдаги барча мусулмонларнинг...

Ҳаётда шундай ҳолатлар бўладик, аёл эри ва қайнонасининг, ўғли ва келинининг, қизи ва куёвининг орасини ислоҳ қилишда занжир вазифасини ўтайди. Аммо ана шу кучни нотўғри йўналтирса, тескари магнитдек икки томонни бир-биридан йироқлаштиради, айиради. Уларнинг муносабатлари, оқибатлари кесилишига сабабчи бўлади. Ҳушёр тортишимиз лозим бўлган нуқта – шу.

Одамлар орасини ислоҳ қилиш – жамиятни ислоҳ қилиш, инсонлар ўртасида тинч-тотувликни таъминлашдир. Осон бўлмаган бу ишнинг мукофоти ҳам ўзига муносиб тарзда юксаклиги қуйидаги ҳадиси шарифдан ойдинлашади.

Абу Дардо розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мен сизларга (нафл) рўза, намоз ва садақадан даражаси баланд**

бўлган амални айтайми?” дедилар. “Ҳа”, дейишгач, айтдилар: **“Инсонлар ўртасини тузатиш – уришганларни яраштириб қўйишнинг даражаси баланддир”** (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалари билан умрани ният қилиб, Маккаи мукаррама сари йўлга чиққанларида Умму Салама онамиз у зот билан бирга эдилар. Аммо қурайшликлар мусулмонлар – умра қилишларига йўл қўйишмади. Орада уруш чиқишига оз қолди. Охири сулҳ тузилди. Маккага бориб, умра қилиш ниятида турган саҳобаларнинг бир қисми сулҳдан норози бўлди.

Сулҳ матни ёзиб бўлингач, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга: **“Энди қурбонликни сўйиб, сочларингизни олдириңлар”**, дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мазкур буйруқни уч марта такрорладилар. Ҳеч ким қимирлаб ҳам қўймади...

(Давоми 6-бетда) ►►

Шундарижа

Бузувчи эмас, тузувчи бўлайлик! .. 1	
Бева аёлнинг ажри3	
Эркаклар оилада раҳбардирлар.....4	
Дардимга Қуръон малҳам бўлди5	
Маҳр шунчаки меҳрибонлик эмас7	
Ғазабини ютадиганлар жаннатдадирлар.....8	
Майда гап-сўзларнинг зарари каттадир.....10	
Динимиз кўрсатмаларига мос11	
Умрадаги бидъатлар12	
“Суррогат” оналик жоизми?.....14	
Фотима бинти Хаттоб16	
Қайтар дунё.....17	
Эй қизим!18	
Аёлларга хос масалалар19	
Тилла ва кумушнинг закоти20	
Нега оила қураимиз?21	
Лаҳзалик лаззат – мангу надомат.....22	
Инсон шаъни нима бўлади?..... 23	
Дуолар қўрғони.....24	
Олимларнинг оналари осмондан тушмаган...25	
Сабрда ҳикмат кўп.....26	
Қўшнилари азиятига сабр..... 27	
Йўлда савоб олай десангиз...28	
Изтироблар ҳаловати29	
Ҳар куни қандай савоб топасиз?..30	
Тетик бўлай десангиз...32	

«Ким Аллоҳ унинг қалбини очишини ва кўзига нур ато этишини яхши кўрса, ўзига тааллуқли бўлмаган нарсалар ҳақида кўп сўзлашни тарк этиши ва гуноҳ-маъсиятлардан четланиши зарур. Агар шундай қилса, Аллоҳ таоло унга илмдан бир насиба очади ва бошқа нарсалардан уни машғул этиб қўяди».

Имом Шофеъий
раҳимаҳуллоҳ





Бева аёлнинг бошида нафақат фарзандларининг, балки ўзининг ҳам муаммолари бор. Бемор бўлса, муолажа, пул топиш, бадназар кимсалар, ғийбатчиларнинг бўҳтонларидан ўзини асраш каби қийинчиликларни енгиб ўтиши керак. Шунинг учун Ислонда бундай ташвишларни енгиб, фарзандларини уйли-жойли қилган онаизорга улуғ мақом ваъда қилинган.

Имом Дайлабий келтирган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Аллоҳ таоло уч киши-ни Арш соясидан бошқа соя йўқ бўлган кунда сояга олур: қавму қариндошидан хабар олиб турувчи – унинг ризқи кўпаяди ва умри узаяди; эри ўлган аёл, унинг бошига эри етимларни қолдирган. У аёл дейди: “Бу етимларимни катта қиламан, то ўлгунимча ёки Аллоҳ уларни бой қилгунича турмуш қурмайман”; ҳалол меҳнат қилиб пул топувчи банда. Сўнг нафақани чиройли қилади ҳамда етим-мискинларни чақириб, зиёфат беради».**

Ҳаёт қийинчиликларига сабр қилиб, етим болаларини қаровсиз қолдирмай улғайтирган она жаннатда барча ҳавас қиладиган мартабада бўлади.

Имом Бухорий келтирган ҳадисда Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мен ва эридан бева қолиб, юзи сарғайган, боласига сабр қилган аёл жан-**

Бева аёлнинг ажри



натда мана бундай турамиз”, деб бармоқларини бирлаштириб кўрсатдилар».

Албатта, бу эридан ажраган аёл турмуш қилмаслиги, боласи билан қолган бўлса, бу дунёдан шундай ўтиб кетиши керак, дегани эмас. Агар турмуш қурадиган бўлса, боласи-

нинг хорланиш хавфи бўлса, аёл киши ўзини қурбон қилиб бўлса ҳам, фарзандини ўйлаб, эрга тегмагани маъқул.

Агар турмуш кўрса, болаларининг қийналмаслигидан, тарбияси бузилмаслигидан кўнгли тўқ бўлса, албатта, эрга теккани афзал. Чунки бу ўринда аёлнинг саломатлиги масаласи ҳам муҳим.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Жаннатнинг эшиги биринчи менга очилади, аммо бир аёл мендан ўзиб кетади. Сўнгра мен унга: “Нима қилипсан, кимсан?” деб сўрасам, у: “Мен етим болаларим билан бева қолган аёлман”, деб жавоб беради»** (Имом Абу Яъло ривояти).

Жаннатда пайғамбарлар билан беллашадиган бева аёлларни иззат-икром қилиб, улардан яхшилигимизни аямайлик. Шоядки, библи-билмай қилган маъсиятларимизга каффорат бўлса! Айниқса, етим болаларни севинтириш борасида кўп муждаларни биламиз. Аллоҳ барчамизни хайрли амалларга муваффақ қилсин!

Жамол МАВЛОНОВ,
“Жўйбори Калон” аёл-қизлар
ўрта махсус ислом таълим
муассасаси мударриси

ЭРКАКЛАР ОИЛАДА РАЎБАРДИРЛАР

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

“Солиҳа аёллар – итоаткор”. Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади: «“Қонитат” сўзи “итоаткор аёл” деган маънони англатади. “Қонитун” сўзи “итоат қилувчи” деганидир». У “Аллоҳ таолога итоатли” маъносида ҳам, “эрларига итоатли” маъносида ҳам бўлиши мумкин. Оятдаги قانتات (“қонитатун”) сўзи “Аллоҳ таоло зиммасига юклаган ҳақларни ва аёлларининг ҳақларини адо қилувчи” маъносини ҳам англатади.

“...ғойиб (эр)ларининг муҳофазасини қилувчилар”. Оят “Аллоҳ таоло зиммаларига юклаган фарз, мажбурият, яъни эрининг ҳаққига риоя қилувчи аёллар” деган маънода бўлиши мумкин. Яна у “сафардаги эрининг ҳаққига риоя қилувчи аёл” маъносида келади. Шунингдек, “эри йўқлигида фаржини ҳаром нарсалардан тийиб турувчи аёл” маъносини ҳам англатади. Яна “Аллоҳ таолонинг амрларига, қайтариқларига ва ҳақларини адо қилишга риоя қилувчи аёллар” маъносида бўлиши ҳам мумкин. Оятдаги قانتات (“қонитатун”) ва حافظات (“ҳафизотун”) сўзлари صالحات (“солиҳатун”) сўзининг тафсиридир.

“Аллоҳнинг ҳифзи ҳимояси бўйича”. Бунинг тиловати ва таъвилида олимлар ихтилоф қилишган. Баъзилар оятдаги “Аллоҳ” сўзини насбда, яъни тушум келишигида ўқиганлар. Шунда у аслида بحفظ الله (“биҳифзиллаҳи”) шаклида бўлиб, жар қилувчи ҳарф тушиб кетганидан кейин у насбга, яъни тушумга айланиб қолган бўлади. Ким уни бош келишикда, яъни рафда ўқиган бўлса, унинг таъвили бундай қилинган: بما استحفظهن الله تعالى (“Аллоҳ таоло уларни муҳофаза қилгани сабабли”).

“Бош кўтаришларидан хавф қилинган аёлларга ваъз-насиҳат қилинг”. Одоб-ахлоқ илми вакиллариининг айримлари бундай деганлар: «Бу оятда “илм” сўзи ўрнига “хавф” сўзи ишлатилган. Чунки “хавф” илмнинг икки тарафидан бири ҳисобланади».

Имом Фарро айтади: “Қўрқувчи гумон қилувчи бўлади. Чунки у умид қилади ва қўрқади”. Аслида, бу ерда “илм” сўзи ўрнига “хавф” сўзи келтирилган, яъни хавф ғолиб бўлгани сабабли “илм” “хавф” деб аталган. Натижада бир нарсага унинг ҳақиқатидан бошқа нарсага биноан амал қила-

ди. Чунки бу ижтиҳод, ғолиб гумон ва раъй билан билинади. Ижтиҳод орқали маълум бўладиган нарсаларнинг барчаси шундайдир. Чунки ғолиб гумон ва ғолиб раъй ҳукмда яқинни ифодалайди. Яъни нарсанинг ҳақиқати маълум бўлмаса-да, ғолиб гумонга кўра амал қилинади. Бунга Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти мисол бўлади:

فَإِنْ عَلِمْتُمُوهُنَّ مُؤْمِنَاتٍ فَلَا
تَرْجِعُوهُنَّ إِلَى الْكُفَّارِ

“Бас, уларнинг мўмина эканларини билсангиз, уларни кофирларга қайтариб юборманг” (Мумтаҳана сураси, 10-оят).

Уларнинг иймони моҳиятига етиб бормасак-да, мўмина эканликларини билганимиз боис улар билан муомала қилаверамиз. Шунга биноан аёлларнинг бош кўтариши ғолиб гумон билан маълум бўлиб қолса, мазкур оятга кўра, уларга панд-насиҳат қилинади. Чунки оятда **“Бош кўтаришларидан хавф қилинган аёлларга ваъз-насиҳат қилинг”**, дейилган. Аслида, воқеликда аёллардан ҳали бош кўтариш содир бўлмади, бироқ ғолиб гумон уларнинг бош кўтаришини тақозо қилмоқда. Чунки аёл воқелик-

да бош кўтариб бўлган бўлса, унга қандай панд-насиҳат қилиш, ётоқ жойни алоҳида қилиш ва ўрни келса, қаттиқроқ тегиш мумкин? Демак, ҳали бош кўтармаган-у, лекин ғолиб гумонда бош кўтариши мумкин бўлган аёллар борасида бу ерда сўз кетмоқда. Эътибор берсангиз, ўлдириш ёки қаттиқ уриш билан бир кишига таҳдид қилиниб, куфр сўзларни айтишга мажбурланса, у киши қалбида иймон лиммо-лим бўлган ҳолатда тили ила куфр сўзларни айтиши мумкин. Бундай вазият ҳам ғолиб гумон ва раъй билан билинади. Бунинг моҳиятини, ҳақиқатини олдиндан билиб бўлмайди. Сўнгра ғолиб гумон билан билинган нарсаса худди ҳақиқатига амал қилишга рухсат берилгани каби изн берилади. Оятдаги масала ҳам шундайдир.

(Давоми бор.)

Имом Мотуридийнинг “Таъвилотул Қуръон” асаридан
**Абдулатиф
АЛЛОҚУЛОВ**
таржимаси



Дардимга Қуръон малҳам бўлди

Бундан 10 йилча аввал, баҳор кунларининг бирида тонг пайти телефоним жиринглади. Жиянимнинг йиғи аралаш товуши эшитилди: “Холажон, тез уйимизга етиб келинг, онам дунёдан ўтди”. Ўзимни йўқотиб қўйдим. Ахир, кечагина бирга бозорга борган эдик-ку. 54 ёшга кирган опам юрак хуружидан ўша тунда оламдан ўтибди.

Таъзия ўтди. Мен: “Опам энди бу дунёда йўқ, нафақага чиқаман, деб юрувди...” деб тинмай йиғлайман. Шунда ёши улуғроқ бир отинойи олдиға чақирди. Қўлимни ушлаб оҳиста: “Жон қизим, кўп оҳ-воҳлаб, ўзингизни қийнаб, опангизга озор берманг. Ундан кўра жиянларингизга далда бўлиб, бу Аллоҳнинг иродаси эканини, ҳаммамиз ҳам бир кун келиб бу дунёни тарк этишимиз ҳақида уларга таскин беринг. Қуръон ўқинг, садақа, эҳсон бериб, опангизнинг ҳаққига дуода бўлинг”, деб насиҳат қилди.

Ўша куни отинойининг Қуръон тиловатини эшитиб, руҳимда енгиллик сездим, қалбимни эзаётган опамнинг айрилиғи бир зумда босилгандай бўлди. Қалбимга Қуръони каримни ўқиб-ўрганиш иштиёқи тушди.

Бир ҳафтадан сўнг Бухорога – “Жўйбори Калон” мадрасасига бордим. У ерда аёл-қизлар имтиҳон асосида ўқишга қабул қилиниши, ҳозир қабул вақти эмаслигини тушунтиришди. Улар менга “Араб тили” курсини тавсия қилишди. Уларнинг хулқи, гўзал муомаласи кишини мафтун этарди. Аёлга хос жамики яхши жиҳатлар уларда жамланганини кўрдим. Қани эди мен ҳам улардан бири бўлсам...

Шундай ҳаёллар билан бир неча ой ўқув курсида араб тилини ўргандим. Юртимизда Қуръон, тажвид курслари очилгунича алифбо ҳарфларини танийдиган бўлдим. Алҳамдулиллаҳ, ҳозир илм олиш учун мадрасалар қошида очилган Қуръон курслари ҳамюртларимиз учун жуда қулай имкониётдир. Бундай фурсатлардан оқиллона фойдаланиб, танимиз соғлигида Қуръони каримни ўрганиб, амрларини, ўғитларини ҳаётимизга татбиқ этайлик, азизлар...

Мақсад РАҲМАТОВА,
Жондор тумани
“Хўжа Ҳайрон”
маҳалласи отинойиси



◀◀ (Бошланиши 1-бетда.)

Шунда Пайғамбар алайҳиссалом чодирларига – Умму Салама онамиз розияллоҳу анҳонинг олдиларига кирдилар ва: **“Одамларга нима бўлган-а?! Бу қавм ҳалок бўлади, булардан олдин ўтганлар ҳам ўз пайғамбарларига бўйсунмай, ҳалок бўлишган эди”**, дедилар. Умму Салама онамиз у зотни очиқ чеҳра, мулойимлик билан кутиб олиб, сўзларини хотиржамлик билан тинглади ва: “Ё Расулulloҳ! Саҳобаларингиз Маккаи мукаррамани ниҳоятда севадилар. Кўпдан буён уни зиёрат қилганлари йўқ. Аини пайтда улар Маккага киришга ишониб турган эдилар. Каъбани тавоф қилмасдан қайтиш улар учун жуда оғир. Агар сиз кўзлаган ишингизни қилишингиз зарур бўлса, чиқинг-да, уларга лом-мим демасдан, атаган қурбонлигингизни сўйинг. Сўнгра сочингизни олдингиз”, деди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбонликларини сўйдилар. Сочларини олдирдилар. Бунни кўрган саҳобалар ҳам бирин-кетин туриб, қурбонликларини сўйиб, сочларини ола бошладилар. Шундай қилиб, Умму Салама розияллоҳу анҳонинг доно маслаҳатлари билан бутун бошли уммат ҳалокатдан сақланиб қолди. Пайғамбар ва унинг уммати орасига суқилган лаҳзалик тушунмовчилик даф бўлди. Шу боис ўшанда Умму Салама онамизга насиб этган фазл ҳозиргача ҳамманинг таҳсинига сазовор.

Кундалик ҳаётимизга кўз ташласак, бу каби вазиятларга биз ҳам гувоҳ бўламиз. Икки оғиз фасоҳатли сўзимиз, нозик бир ишорамиз, арзимас хатти-ҳаракатимиз кимларнингдир орасига тушган жарликда кўприк вазифасини ўтайди, заифлашган муносабатлар арқонини боғлайди, аҳиллигимизни янгилайди. Шундай экан, ҳиммат камаримизни маҳкамлаб, ён-атрофимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларга самимият ва холислик билан ёндашайлик-да, баъзи келишмовчиликларнинг бартараф этилишига, ҳаётимиз яхшилик томон ислоҳ бўлишига ҳисса қўшайлик!..

Мавжуда НУРИДДИНОВА тайёрлади.

Абу Дардонинг дўсти

Абу Дардо иши эди тижорат,
Бир кун савдодан келдию хушҳол,
Бутга атир сепиб, ёнди духобаю шол.
Дўсти Абдуллоҳ ибн Равоҳа дерди:
“Бадр жангидан қайтсам гар омон,
Абу Дардони қилай мусулмон”.
Бутни синдирди лочин, паҳлавон.
Абу Дардо бу ҳолатдан лол,
Қилич олмоқликка тутинди беҳол.
Сўнг бир фурсат хаёлга толди,
“Нечун индамади, бут Худо бўлса?”
Фиғон чекди: “Умрим ўтди бесамар,
Энди Аллоҳ йўлида юрайин жадал”.
Абу Дардо шундай бўлган мусулмон,
Ширк йўлидан қайтган саломат, омон.

Турдигул УМАРОВА,
Тайлоқ тумани

КўНГИЛ – КАЪБАДИР

Ноҳадан бир дилни ранжитсангиз гар,
Билинг, Каъбани, воҳ, этибсиз вайрон!
Мазлум гуноҳингиз кечмагунича,
Аллоҳ ҳам афв этмас сизни ҳеч қачон!

Ширин сўзли, очиқ юзли бўлсангиз,
Кўнгилларда меҳр гуллари ўсар.
Аллоҳга истиғфор айтсангиз доим,
Шу амал ҳам дўзах ўтидан тўсар.

Иймон – дил уммонин ёрқин маёғи,
Жаннат йўлларига элтади албат!
Йироқ бўлинг нафрат, қарғиш, риёдан,
Авалло Аллоҳга боғланг муҳаббат!

Кўнгилларни обод этинг, дўстларим!
Икки дунёнгиз ҳам бўлгуси обод.
Иймонсизлик, ғийбат, манманлик ила
Охират уйингиз қилмангиз барбод...

Муқаддасбону АҲМАДЖОНОВА,
Бешариқ тумани



Маҳр шунчаки меҳрибонлик эмас

Бугунги кунда бой-бадавлат оилаларнинг дипломи ё қўлида хунари бор қизларига совчи қўйиш одавий ҳолга айланган. Шахсий манфаатини ўйлайдиган айримлар бу дунёнинг ўткинчи молини қўпайтириш ниятида ўз молига мол қўша оладиган қизларни кўзлаяпти. Мақсадларига етиш учун барча нарсани, жумладан, маҳр (қалин, сут пули)ни зиммаларига оладилар-у, ҳеч бирини адо этмайдилар. Масъулиятдан қутулиш учун уялмасдан ҳийла ҳам қилишади.

Аллоҳ таоло: **“Эй Пайғамбар! Албатта, Биз сизга маҳрларини берган жуфтларингизни, Аллоҳ сизга ўлжа қилиб берган қўл остингиздаги чўриларингизни, сиз билан бирга ҳижрат қилган амакингизнинг қизларини ва аммаларингизнинг қизларини, тоғангизнинг қизларини ва холаларингизнинг қизларини, яна (ҳар қандай) мўмина аёлни – агар у ўзини пайғамбарга тортиқ этса-ю, пайғамбар уни (маҳрсиз) ўз никоҳига олишни истаса, (мазкур**

аёлларни сиз учун) ҳалол қилдик. (Маҳрсиз уйланиш барча) **мўминлар учун эмас, холис сиз учундир. Биз (мўминларга) жуфтлари ва қўл остиларидаги чўрилари ҳақида фарз қилган ҳукмларимизни, албатта, биламиз. Бу сизга танглик бўлмаслиги учундир. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли Зотдир”** (*Аҳзоб сураси, 50-оят*) деган. Бу оят Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи ва салламга хосдир.

Яқинда бир оила қизининг турмушини сақлаб қолиш ниятида ҳовлисининг бир чеккасидан унга уй-жой қуриш учун ер ажратиб берди. Бундан уялмаган қудалар уй қурилганидан кейин ўғлининг номига ўтказиб беришларини ҳам талаб қилишди. Тўйдан аввал куёв томон келинга “Қалин пули, маҳр ўрнига уй-жойимизни берамиз”, деб ваъда қилган экан. Муаммони ҳал қилиш учун маҳалла оқсоқоллари, фаоллар ва имом-хатиблар бирлашиб: “Бундай талаб на диний ва на дунёвий тамойилларга тўғри келмайди”, десак, куёв томон: “Биз бу аёл

ва унинг болаларига текин-нон беряпмиз, уйга битта кулча олиб келаётгани йўқ-ку”, дейишди.

Эрнинг устунлиги унинг моддий жиҳатдан оиласини қандай таъминлагани билан белгиланади. Аёлини едириб-ичириш, кийинтириш, даволатиб, ҳимоя қилиш ўрнига, ҳақини поймол қиладиган эркакларни кўрганда дилингиз оғрийди.

Оиласини боқишдан бош тортаётган, бераётган таомини миннат қилиб, аёлининг маошига, ҳатто давлат томонидан берилаётган болалар пулига кўз тикаётган эркаклар ҳам бор. Айрим эркаклар эса хусуматлашиб, ажрашиш даражасига етгач, тенг тақсимланиши лозим бўлган мулкнинг аёлига тегишли қисмини ҳам бермасликка ҳаракат қилипти.

Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ: “Аёлингга озор беришдан тийилиш гўзал хулқ эмас. Балки ундан етадиган озорни кўтаришинг хусни хулқдир”, деган.

Ҳурматли эркаклар, оиладаги мувозанат, қайнона ва келин муносабатлари сизларга боғлиқ. Онангизнинг олдида фарзандлик бурчингиз бўлгани каби оилангиз учун ҳам масъулиятингиз борлигини ва бундан охи-ратда, албатта, сўралишингизни унутманг.

Абдуллахон МИРЗАЕВ,
“Муҳаммадқул” жоме
масжиди имом-хатиби

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Менга насиҳат қилинг”, деди. **“Ғазаб қилма!”** дедилар. Ҳалиги одам илтимосини бир неча бор такрорлади. Набий алайҳиссалом: **“Ғазаб қилма!”** дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Икки дунё яхшилигига етиш умидида бир саҳоба Набий алайҳиссаломдан ёдлаш ва англаш осон, аниқ ҳамда


ана шундай олий ахлоқлар билан хулқлансанг, ғазабга қул бўлмайсан ва ҳақ йўлдан тойилмайсан”, демоқчи бўлдилар.

Саҳоба жаннатга киришдек улуғ мақсади учун бундан-да етукроқ ва фойдалироқ кўрсатма олмоқчи бўлди. Бироқ у ҳар гал “Насиҳат қилинг”, деганида Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан бир хил: **“Ғазаб қилма!”** деган насиҳатини эшитарди. Набий алайҳиссалом мазкур на-

шилингиз! Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар” (Оли Имрон сураси, 133–134-оятлар).

Ғазаб барча ёмонликнинг бошидир. Бир киши “Энг яхши амал нима?” деб сўраганда Набий алайҳиссалом: **“Тўзал хулқ! Бу иложи борича**

ҒАЗАБИНИ ЮТАДИГАНЛАР ЖАННАТДАДИРЛАР



лўнда насиҳат сўради. Пайғамбаримиз алайҳиссалом унга: **“Ғазаб қилма!”** дедилар. Яъни у зот ушбу қисқа ибора билан: “Юксак набавий, қуръоний, иймоний ахлоқлар соҳиби бўл! Агар

сиҳатни такрор-такрор қайтаришлари билан агар идрок этиб, амал қилинса, шунинг ўзи етарли эканини таъкидладилар. Зеро, мазкур ибора ҳар бир яхшиликка дахлдор ва барча ёмонликка тўсиқ бўла оладиган насиҳат эди.

Жаннатдан умидвор мусулмон табиати ва ўзининг феъл-атворидан устун келиб, аччиғи чиққан кезде ўзини ғазаб ҳукмига топшириб қўйиши мумкин эмас. Ғазабни ютиш ҳамда афв этиш тақводор ва комил иймонли кишиларнинг сифати экани, улар учун ҳозирлаб қўйилган мукофотни унутмаслик лозим. **“Раббингиздан (бўлувчи) мағфиратга ва кенглиги осмонлару Ерга тенг, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат сари** (солиҳ амаллар қилиш билан) **шо-**

ғазаб қилмаслигингдир”, деб жавоб берганлар.

Ғазабга берилиш кишининг заифлигини билдиради. Бундай кишилар гарчи соғлом ва бақувват бўлсалар-да, заиф ҳисобланади. Ушбу ҳақиқатни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги сўзларида яққол исботлаб берганлар: **“Кучли деб ҳаммани енгандиган кишига айтилмайди. Ғазабланган пайтда ўзини қўлга ололган одам кучлидир!”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти.)

Киши ғазаб устида қилиб қўйган ишларига ҳам жавоб беради. Масалан, бировнинг қийматли нарсасига зиён етказса, тўлайди. Бир жонни қасддан ўлдирса, ундан қасос олинади. Оғзидан куфр калимаси чиқса, муртад бўлади. У

тавба-тазарру қилмоғи шарт. Ичган қасами ҳам, айтган талоғи ҳам ўтади. Яъни дарғазаблиги унга тўсиқ бўла олмайд.

Ҳамма ҳам ғазабланиши мумкин. Уламоларимиз Пайғамбаримиз алайҳиссалом **«Ғазаб қилма!»** деганларида ғазабга олиб борадиган сабаблардан сақланишга буюрганлар, деб изоҳлайди. Шу сабабли ҳам ҳақиқий иймон эгалари ғазабни қўзғовчи сабаблардан йироқ юришади.

Ғазабдан тийилиш учун мўмин сабр, мулойимлик, собитлик ва оғир-босиқлик каби ахлоқларни ўзида шакллантириши лозим. Биз бу борада ҳам Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ўрнак оламиз. Зайд ибн Саъна мусулмон бўлишидан олдин Набий алайҳиссалом ҳузурларига келиб, қўполлик билан қарзини сўрайди. Ҳолбуки, қарз муддати ҳали битмаганди. Зайд мана шу ерда нубувват сифатини кўрди. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳалимликлари ғазабларидан устун турарди. Жоҳилнинг ғазаби у зотнинг ҳалимликларини зиёда этарди, холос. Набий алайҳиссалом Зайдга табассум қилиб, бағрикенглик билан муомала қилдилар. Умар розияллоху анҳу эса уни жеркиб берди. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом иккалаларига ҳам таълим бўлиши учун: **“Эй Умар! Мен ҳам, у ҳам бошқа нарсага муҳтожроқмиз. Сен мени қарзни чиройли адо этишга, уни эса қарзини яхшилик билан сўрашга**

чақиргин”, дедилар (Имом Ибн Ҳиббон, Имом Ҳоким ва Имом Табароний ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ғазабни амалга оширишга қодир бўлатуриб ўзини босган бандани Аллоҳ таоло қиёмат кунини бутун халойиқ олдида чақиради ва унга истаган ҳурини танлаш ихтиёрини беради”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Аҳмад, Имом Абу Довуд, Имом Термизий ва Имом Ибн Можжа ривояти).

Ғазаби қайнаган киши **“Аъзузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм”**, деб Аллоҳ таолодан паноҳ сўрасин. **“Агар сизни шайтоннинг шарри тутса, Аллоҳдан паноҳ сўранг! Албатта, У эшитгувчи, билгувчидир”** (Аъроф сураси, 199-оят).

Ғазабланганда киши дарҳол ҳолатини ўзгартирмоғи лозим. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Қай бирингизнинг ғазаби келса, тик турган бўлса, ўтириб олсин. Шунда ҳам ғазаби тарқамаса, ётиб олсин!”** дедилар (Имом Аҳмад ва Имом Абу Довуд ривояти). Чунки тик турган киши ғазабланганда бирон нарса қилиб қўйиши мумкин. Ўтирган ёки ётган эса ножўя хатти-ҳаракатдан тийилади. Яъни унинг ҳолати бунга йўл қўймайди.

Ғазаб келганда сукут сақлаш керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги сўзни уч бора такрорладилар: **“Қай бирингиз дарғазаб бўлса, сукут**

қилсин!” (Имом Аҳмад, Имом Термизий ва Имом Абу Довуд ривояти).

Ғазабни сўндирадиган воситалардан яна бири таҳоратдир. Маълумки, ғазаб ҳароратни кўтаради. Сув эса кишини совутиб, асл ҳолига қайтаради. Набий алайҳиссалом хутба қилаётиб: **“Билингларки, ғазаб одам боласи қалбида ёниб турган чўғдир!”** дедилар (Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривояти). Таҳорат ибодатида Аллоҳ таоло зикри мавжуд. Инсондаги ғазабни аланглатиб турувчи шайтон эса ибодат қаршисида ортга чекинади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Ғазаб шайтондандир. Шайтон эса оловдан яралган. Агар ғазабингиз келса, таҳорат қилинг!”** деб таълим берганлар (Имом Аҳмад ва Имом Абу Довуд ривояти).

Бироқ Аллоҳ таоло, Унинг динини, буйруғу қайтариқларини, соф эътиқодини ва мусулмон биродарларини ҳимоя этиб дарғазаб бўлиш мақтовли хислатдир. **“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳеч ғазаб қилмасдилар. Аммо Аллоҳ таоло белгилаган ҳудуд поймол этилса, у кишининг ғазабига ҳеч нарса туриш беролмасди”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Имом Нававийнинг **“Шарҳул арбаъин”** асари асосида Тошкент ислом институти ўқитувчиси **Фарҳод ЖўРАЕВ** тайёрлади.

Майда гап-сўзларнинг зарари Катъадир

Кўпгина оилаларнинг тотувлигини таъминлаш, ёш болалар сарсон бўлмаслиги учун маҳалла, ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда фаолият юритамиз.

Ҳар сафар ажрим ёқасига келиб қолган оилалар билан суҳбатлашганимда ўз ота-онасини “Дада!” ёки “Ойи!” дейишдан ҳадиксираб турган болаларга ачинаман. “Уларда нима айб?” дегим келади.

Алҳамдулиллаҳ, кўплаб ажримларнинг олдини олдик, бироқ ажрашиб кетганлар ҳам оз эмас. Бу жараёнда отинийларнинг масъулияти ортади. “Қушнинг ҳам ини бузилмасин”, дейишади-ку. Бир оила бузилса, қанчадан-қанча қариндошлик ришталари узилишини ўйлаб кўрмайди бу ёшлар. Икки оила орасига нафрат, гина-кудурат солиб қўйишади.

Турли маросимларда, ҳатто кундалик ҳаётимизда ҳам аёллар билиб-билмай бидъат амалларни қилишади. Мисол учун аза маросимларига динимизга ёт урф-одатларни киритиш, йиллаб аза тутиш ёки бирон кунга атаб маросимлар қилиш, Аллоҳдан ўзгага атаб жонлиқ сўйиш каби-лар ҳануз учрайди.

Бухоро вилоятининг барча туманларида “Бидъат-хурофотлардан сақланинг!” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Шунингдек, “Жаҳолатга қарши маърифат”, “Мутаассиблик ва хурофотлардан сақланинг”, “Эзгулик шиоримиз – маърифат қуролимиз!” каби тадбирлар, мутахассислар билан давра суҳбатлари эса аёлла-

римизнинг дунёқараши кенгайишига хизмат қилади.

Аёллар билан суҳбатлашганимизда уларни бекор қолмасликка, вақтларини унумли ўтказишга қақирамиз. Сабаби ғийбат иллати кўпроқ аёлларимизда кузатилади. Бекорчи бўлган 3-4 нафар аёл йиғилади-да, аллакимларни ғийбат қилишади. Шунингдек, маърифатли аёл қариндош ва қўшни ҳақларига рия қилишда муҳим ўрин тутати. Кузатишларимдан шуни айтишим мумкинки, айрим аёлларнинг ёмон гап-сўзлари сабаб бу ришталарга путур етаети.

Ҳолбуки, бир оилани яраштира олсак, бир аёлнинг ўз йўлини топишига кўмак берсак, кимнингдир муаммосини ҳал қилсак, бу жамиятнинг катта ютуғи бўлади.

Ҳали олдимда масъулиятли вазифаларим жуда кўп. Бухоро вилояти аёллари, хотин-қизларнинг муаммолари оз эмас, уларнинг ҳал этилишига ҳисса қўйишим керак.

Аллоҳ таоло: **“Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва наҳйи мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин! Айнан улар (охиратда) нажот топувчилардир”**, дейди (Оли Имрон сураси, 104-оят).

Яқинда мўтабар аёл зотиға улкан эҳтиром кўрсатиш, давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда нуфузини ошириш мақсадида Давлатимиз раҳбарининг фармониға мувофиқ бир қатор хотин-қизлар тақдирландилар. Улар сафида борлигимдан,

“Дўстлик” ордени билан мукофотланганимдан қувондим. Буни сўз билан таърифлай олмайман.

Ҳар бир мўмин инсон каби мен ҳам Аллоҳнинг марҳаматидан умидворман. Барча аёллар, опа-сингилларимизнинг яхши амаллар билан ажру мукофотга эришишларини, бахтли, азиз бўлишларини Аллоҳ таолодан сўрайман.



Ризвон БАҲРОМОВА,

Бухоро вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси



Чорак асрдан бери ҳар йили 9 май – Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинади.

Иккинчи жаҳон уруши туфайли ўша вақтда 6 ярим миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистондан 1,5 миллионга яқин киши фронт ишларига сафарбар этилган. Шулардан 420 минг киши жангда ҳалок бўлган, 120 минг киши бедарак кетган, 640 минг киши ногирон бўлиб қайтган.



Қабрларни зиёрат қилишда сизлар учун ибрат бор...
(Имом Муслим ривояти).

Ватан, дин учун хизмат қилиб ўтган маърифатпарвар, ватанпарвар инсонларнинг хотирланиши, яхши инсонларнинг қадрланиши ёш авлодни эзгулик руҳида тарбиялайди. Инсонларни бир-бирига қўмаклашишга, жонига оро киришга, умрини беҳуда сарфламасликка ундайди.

Хотира ўтмишимизни, аجدодларимизнинг доно ўғитларини,

Динимиз кўрсатмаларига мос

Уларнинг барчаси забардаст йигитлар эди. Мазкур рақамлар ортида шунча нафар бева аёллар, фарзандидан айрилган юз минглаб ота-оналар, етимлар бор!

Ўзбек аёллари ҳам фронт ортида кечани кеча, кундузни кундуз демай, бетиним меҳнат қилди. Урушнинг дастлабки кунларида Тошкент шаҳридаги фабрикаларга 20 минг аёл ишга қабул қилинди. Уруш авжига чиққан пайтда эса давлатимиз ҳудудидаги ишчи кучларнинг учдан икки қисмини аёллар ташкил этар, баъзи корхоналарда эса улар 80 фоиздан ортиқ эди. Қолаверса, ўзбек аёллари ўғилларини урушнинг “дайди ўқи” олиб кетганида сабр-матонат кўрсатди, бедарак кетган турмуш ўртоғини сўнгги нафасгача кутиб яшади. Ифратини, ҳаёсини сақлаган ҳолда юртининг тинчлиги, фаровонлиги йўлида фидокорона ҳаёт кечирди...

Хотира ва қадрлаш тушунчасининг моҳияти кенг. Халқимиз

орасида ушбу кун муносабати билан ёши улуғ инсонларни йўқлаш, беморлар ҳолидан хабар олиш, қабрларни зиёрат қилиш одатга айланди. Ушбу жараён эса мўмин-мусулмонлар орасида дўст-ёрлик, қавм-қариндошлик муносабатларининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда қариндошлар билан муносабатларни мустаҳкамлашга чорлаб бундай хитоб қилади: **“...Ўрталарингиздаги ўзаро муомалада номи келтирилувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқасини узиш)дан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ сизларни кузатиб турувчидир”** (Нисо сураси, 1-оят).

Қабрларни зиёрат қилиш ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Мен сизларни қабрлар зиёратидан қайтарган эдим. Энди уларни зиёрат қилаверинглар! Чунки у сизларга охиратни ва ўлимни эслатади, қалбларни юмшатади, кўзларни ёшлантиради.**

миллий меросимизни тасаввуримизда жонлантиради.

Қадр инсоннинг мукаррам этиб яратилганига ишора қилиб, одамларнинг фаолияти, орзу-интилишлари ва мақсад-муддаоларига куч-ғайрат, кўтаринкилик бағишлайди, элу юртга садоқат ҳамда қатъият билан хизмат қилишга чорлайди.

Шундай экан, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги учун жонларини фидо этган жасоратли аجدодларимизнинг ҳаёт йўлларида сабоқ олайлик, ён-атрофимиздаги фазилатли инсонларни эъзозлайлик, қадрига етайлик.

М. АБДУЛЛОҲ қизи

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Дунёдан ўтганларингизнинг яхши сифатларини эсланглар, уларнинг ёмон сифатларини айтишдан сақланглар”**, деганлар (Имом Термизий ривояти).

Умрадаги бидъатлар



Аллоҳга шукр, юртимиздан умра зиёратига борувчилар сони кўпайди. Уларнинг тенг ярми аёллар экани қувонарли ҳолдир. Муқаддас заминга зиёратга бораётган юртдошларимиз, аввало, умранинг моҳиятини англаб етишлари керак.

Афсуски, тўй, маърака-маросимларда янги-янги бидъат-хурофотлар урчиётгани каби умрага борувчи зиёратчиларимизда ҳам билиб-билмай турли гуноҳга қўл уриб қўйиш ҳолатлари кўпаймоқда. Масалан, Мадинаи мунавваранинг тупроғидан олиб кетиш (беморнинг бошидан Мадинанинг тупроғи сочилса, шифо топармиш); халқимиз орасида Уҳуд тоғининг тупроғидан кафанликка солиб

қўйиш, вафот этса, қабр тупроғига аралаштириш учун Мадина шаҳридан олиб келинар эмиш (гўё Уҳуд тупроғи қабр азобидан асрармиш) ва ҳоказо.

Айрим зиёратчилар Мадина ва Макка шаҳарларидан турли ўсимликлар, ёнғоқлар ва кабутарларга сепиладиган донлардан олиб келиб, анча йилдан бери фарзанд кўрмаётган аёлга ҳомиладор бўлади, деган умидда бериш ҳам “урф”га кириб боряпти.

Ваҳоланки, кимга қачон фарзанд инъом этилишини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди. Қуръони каримда марҳамат қилинади: **“Осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Аллоҳга (хос) дир. (У) хоҳлаган нарсани**

яратур. Хоҳлаган кишисига қизларни ҳадя этур ва хоҳлаган кишисига ўғилларни ҳадя этур. Ёки уларга ўғиллар ва қизларни қўшиб берур ва хоҳлаган кишисини фарзанд кўрмайдиган қилиб қўйгай. Албатта, У (бунинг ҳикмати) билувчи ва (Ўзи хоҳлаган нарсани яратишга) қодирдир” (Шўро сураси, 49–50-оятлар).

Аёллар Масжиди Набавийга, Равзаи шарифга кирганларида, Каъбатуллоҳга борганларида ўша ердан харид қилган турли матоларни деворларга, устунларга суртишмоқда. Бундан мақсад деворга суртилган матоларни кафанликка олиб қўйиш, вафот этганда юзига ёпиш эмиш.

Замзам суви кафанликка қўшиб қўйилади, маййит замзам қўшилган сувда ювилса, гуноҳлари мағфират этилармиш. Агар банда тириклигида Аллоҳ таолонинг буйруқларини бажармаса, қайтариқларидан қайтмаса, вафот этганида унга ҳеч нарса фойда бермайди.

Айрим аёлларимиз бозор-ўчарга жуда ўч. Умрага борганда ҳам ибодатлар қолиб, ўзларини бозорга уришади. Ваҳоланки, Масжиди Набавийда бир ракат намозга минг ракатнинг, Масжи-

дул Ҳаромда эса бир ракат-га юз минг ракат намознинг савоби берилади.

Умрадан қайтгач, “ҳожи тўй”, “ҳожи зиёфат”лар қилиш ҳам исрофгарчилик, бидъат амаллардир. Ҳатто зиёратчиларнинг оёқлари остига километрлаб пояндоз ва гиламлар тўшаш, қиммат уловларда кутиб олиш, ҳатто туяларда пешвоз чиқиш ҳолатлари кузатиляпти. Бу дабдаба риё ва сумъадан бошқа нарса эмас. Риё ва сумъа эса барча савобларни йўққа чиқаради.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Замон охирида бир хил қавмлар пайдо бўлади. Улар ҳамма амалларни барчага кўрсатиб, ошкора қилишни ўзларига одат қилиб оладилар ва махфий равишда сир тутиб қилишни ёқтирмайдилар”**, дедилар. Шунда саҳобалар сўрашди: “Ё Расулulloҳ, буни қандай тушунайлик?” Шунда Пайғамбаримиз изоҳ бердилар: **“Одамлар бир-бирини кўролмаслигидан, яъни фалончи ундай қилибди, мен ундан ҳам ўтказиб қиламан, дейишидан ёки бир-биридан кўрққанидан шундай қилишади”** (Имом Муслим ривояти).

Умрага кетаётган аёлларимизга зиёрат одобларини эслатиб ўтмоқчимиз!

– Эҳром учун одмигина либосларни кийиш керак. Кийимлар ўта тор, ялтироқ,

бошқаларнинг эътиборини тортадиган, бадан кўриниб турадиган даражада юпқа бўлмаслиги даркор.

– Эҳромда пардоз қилмаслик керак.

– Талбия айтганда ҳам, бошқа вақтда ҳам аёллар овозларини баландлатмайдилар.

– Пайғамбаримиз алайҳиссалом масжидларида, айниқса, Равзага киришда овоз кўтармаслик, бировлар билан жанжаллашмаслик, югурмаслик, бошқа зиёратчиларга озор бермаслик талаб этилади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: **“Эй иймон келтирганлар! Овозингизни Пайғамбар овозидан юқори кўтарманг ва унга бир-бирингиз ила сўзлашгандек дағал сўз айтманг, ўзингиз сезмаган ҳолда амалларингиз ҳабата бўлиб қолмасин”** (Ҳужурот сураси, 2-оят). Аллоҳ таолонинг ояти каримасидаги бу таъкид-қайтариқ ўзини мусулмонман деган ҳар бир инсонга тегишлидир.

Зиёратчилар умрадан қайтгач, буткул яхши томонга ўзгаришлари, имкон қадар бошқаларга ёрдам беришлари, ҳар бир ишидан Аллоҳнинг розилигини кўзлашлари керак.

Мунира АБУБАКИРОВА,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси хотин-қизлар
масалалари бўйича
бўлим етакчи мутахассиси

ДИЛБАНДЛАРИМГА

Қадам боссам саҳроларда,
Қумлар кўмса, ўчмас изим.
Қуръон ўқи, жоним ўғлим,
Сен қория бўлгин, қизим!


Қизиқманг ҳеч олтин, зарга,
Учманг мансаб, амалларга.
Аллоҳ Каломин ёд олинг,
Тунни уланг саҳарларга.

Ношукрлик қилманг зинҳор,
Шукр қилинг ҳар кеч, наҳор.
Шокир банданинг ризқида
Оз бўлса-да, барака бор.

Зулм қилманг ҳеч кимсага,
Сочманг қаҳр-ғазабингиз.
Хушфеъл бўлинг, танг келса-да,
Ўйнатманг ҳеч асабингиз.

Еру осмон Аллоҳники,
Бир пасда ўтар бу олам.
Сизлар тинмай Қуръон ўқинг,
Жаннатда тож бўлинг, болам!

Юлдуз АНОРБОЕВА,
Тошкент шаҳри





“СУРРОГАТ” ОНАЛИК ЖОИЗМИ?

Савол: Хотира ва қадрлаш куні муносабати билан аёллар ҳам қабристонга боришиб, ўтган яқинларининг ҳақларига дуолар қилишади. Бир танишим аёл киши қабристонга бориб, Қуръон тиловат қилса, қабул бўлмайди, деди. Шу тўғрими?

Жавоб: Аёл киши қабристонда Қуръон тиловат қилса, қабул бўлмайди, дейиш хатодир. Аммо ўтганларнинг руҳларига Қуръон тиловат қилиш учун фақат қабристонга бориш керак, дейиш ҳам нотўғри. Уйда ҳар бир намоздан кейин тиловат қилиб, савоби марҳумга бағишланса, етиб туради. Аёллар ўзлари билган сура ва оятларни уйларида ўқиб, савобини марҳумларга бағишлаганлари афзалдир.

Савол: Болани жума куні кўкракдан ажратиш керак, дейишади. Бошқа куні ҳам сутдан чиқарса бўладими?

Жавоб: Албатта, бошқа кунларда ҳам чиқарса бўлади. Болани кўкракдан ажратиш жума кунига хосланмаган. Бунга шаръий асос йўқ.

Савол: Синглим 9 йилдан бери фарзанд кўрмапти. 3 марта ЭКО қилди, лекин

бўлмади. Ҳозир соғлиги ҳам жойида эмас. Синглимнинг тайёр эмбриони музлатилган, клиникада турибди. Мен – опаси суррогат она бўлиб, синглимга боласини туғиб берсам бўладими? Пул ишлаб олиш ёки бошқа мақсад учун эмас, синглимга куйинганим учун шундай қилмоқчиман, агар жоиз бўлса...

Жавоб: “Суррогат” сўзи лотинчадан олинган бўлиб, “бошқасининг ўрнига қўйилган” деган маънони билдиради. Ҳозир бизда кенг тарқалаётган “суррогат она” деган иборада ҳам ҳомиладор бўлиб, фарзанд туғишда онанинг ўрнида фойдаланилган аёл назарда тутилади. Бунда эрнинг спермаси ва хотинининг тухум ҳужайрасидан бўлган эмбрионни ривожлантириш учун бошқа аёлни бачадонига ўтказилади. Суррогат оналик кўпинча пул эвазига, баъзан кўнгили тарзда ҳам амалга оширилади.

Ушбу амалиёт шариатимизнинг умумий қоидаларига кўра ҳаром саналади. Бунда у пул эвазига бажариладики ёки кўнгили тарздами, фарқи йўқ. Чунки ушбу амалиётда эркак билан бачадони ижарага олинган аёл ўртаси-

да никоҳ бўлмайди. Аллоҳ тало Қуръони каримда мўминларни васф қилиб, бундай деган: “Улар авратларини (ҳаромдан) сақловчидирлар. Илло, ўз жуфти ҳалоллари ва қўл остидагилар (чўрилар) бундан мустаснодир. Бас, албатта, улар маломат қилинувчи эмаслар. Кимки шундан ўзгани истаса, бас, ана ўшалар ҳаддан ошувчидирлар” (Муъминун сураси, 5–7-оятлар).

Шу ва бошқа омилларни ҳисобга олиб, замонамизнинг барча уламолари, кўплаб фатво уюшмалари суррогат оналик қилиш ҳаром эканига фатво берганлар. Жумладан, Ислом олами уюшмаси қошидаги Ислом фикҳи академияси 1402 ҳижрий (1982 милодий) йил ўтказилган йиғилишида ушбу амалиётни ҳаром деб қарор қабул қилган.

Савол: Қуёш ботаётганда 8 ойлик боламини кўтариб, қўшни аёллар билан кўчада гаплашиб турган эдик. Маҳалламиздан бир отахон бизни: “Жину шайтонлар тўзийдиган маҳал ёш бола билан кўчада нима бор сизларга?” деб қўйиб берди. Отахоннинг гаплари қанчалик тўғрилигини билмоқчи эдим.

Жавоб: Отахон ҳақ гапни айтибди. Жонкуяр инсонлар тобора камайиб кетаётган, “Менга нима?!” деган бепарволик кайфияти кўпчиликини чулғаб олган ҳозирги кунимизда ана шундай отахонларнинг бориға шукр.

Шом маҳали жин ва шайтонлар изғиб юриши ҳадиси шарифларда баён қилинган. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумо айтишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Қоронғи тушганда (ёки кеч кирганда) болаларингизни ушлаб турунг, чунки шайтонлар ўша пайт тарқалади. Кечадан бир муддат ўтгач, уларни (болаларни) қўйиб юбравеинг. Эшикларни беркитинг ва Аллоҳнинг исмини зикр қилинг, чунки шайтон ёпиқ эшикни очолмайди. Мешларингизни боғланг ва Аллоҳнинг исмини зикр қилинг. Устига бирор нарсани кўндаланг қўйиб бўлса ҳам, идишларингизни тўсинг ва Аллоҳнинг исмини зикр қилинг ҳамда чироқларингизни ўчиринг»** (Имом Бухорий ривояти).

Болаларнинг инжиқ бўлиб қолиши, уйкусида босинқирашига ҳам ана шу пайт кўчада юриши сабаб бўлади. Шу боис бу каби беҳуда одатларга барҳам бериб, ўлчовли вақтимиздан унумли фойдаланиш пайида бўлиш керак.

Савол: Эснаганда нима учун қўл билан оғиз беркитилади? Бунинг бир асоси борми?

Жавоб: Албатта, бор! Бу ҳақда Имом Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” китобида “Эснаганда қўл билан оғизни тўсиш ҳақида” номли боб бор.

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Агар бирортангиз эснасангиз, қўлингизни оғзингизга қўйинг. Йўқса, (ичингизга) шайтон киради”**.

Эсноқ келганида намоздан бошқа ҳолларда чап қўл кафти орқаси билан оғиз тўсилади. Шунингдек, ҳадисларда эснаб туриб “ҳооҳ” дейиш шайтоннинг яйрашига сабаб бўлиши ҳам баён этилган.

Савол: Масжидимиз имомининг айтишича, маҳрнинг энг ози ўн дирҳам экан. Унинг пулимиздаги қиймати неча сўм бўлади?

Жавоб: Бизнинг мазҳабимизда маҳрнинг энг оз миқдори ўн дирҳам кумуш деб белгиланган. Кўпига эса чегара йўқ. Аммо ҳадиси шарифларда маҳрнинг озига қаноат қилган аёллар мақталган.

Бир дирҳам замонавий ўлчовда 2,975 граммдир, уни ўнга кўпайтирсак, 29,75 грамм бўлади. Никоҳ шартномаси тузилаётганда 29,75 грамм кумушнинг қиймати сўмда қанча бўлса, ўша маҳрнинг энг кам миқдори бўлади. Бундан маҳрга ана шу миқдордан ортиқ бериб бўл-

мас экан, деган хулоса чиқмайди.

Динимиз жамиятнинг барча қатлами манфаатини тенг ҳимоя қилгани учун уларнинг энг камбағалига ҳам маълум келмайдиган миқдорни белгиланган. Кимнинг шароити кўтарса, бундан кўпроғига қодир бўлса, кўпроқ ҳам бераверади.

Савол: Отамиз Одам алайҳиссалом, онамиз Ҳавво бўлса, бугунги кунда Ер юзида яшаётган етти миллиарддан зиёд инсон нега ҳар хил тилларда гаплашади?

Жавоб: Қуйидаги икки оятти карима саволингизга ойдинлик киритади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишларингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик...»** (Ҳужурот сураси, 13-оят).

«Унинг борлиги ва ягоналиги, далиллари (яна бири) – осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва ранглари-нингизни хилма-хиллигидир. Албатта, бунда барча олимлар учун аломатлар бордир» (Рум сураси, 22-оят).

Ўзбекистон
мусулмонлари
идораси Фатво маркази
(78) 150-33-34

Фотима бинти Хаттоб

розияллоҳу анҳо

Фотима бинти Хаттоб розияллоҳу анҳо эри билан Исломга кирган илк мусулмонлардан эди. У акаси Умар ибн Хаттобнинг иймон келтиришига сабабчи бўлди. Эри Саид ибн Зайд розияллоҳу анҳо эса ҳаётлик чоғида жаннатийлиги башорат қилинган саодатли саҳобалардан бирига айланди.

Лақаби “Умайма” бўлган Фотима бинти Хаттоб розияллоҳу анҳо Маккада туғилган. Қурайшнинг Бани Махзум қабиласидан. Отаси – Хаттоб ибн Нуфайл, онаси – Хантама бинти Ҳошим. Вояга етгач, амакисининг ўғли Саид ибн Зайд билан оила қурган.

Саид ибн Зайд машҳур қиличбоз Ҳаббоб ибн Арат билан яқин дўст эди. Тез-тез унинг ёнига бориб тураркан, янги дин, сўнгги пайғамбар ҳақида ундан эшитди. Унинг таъсирида Саид бутларга сиғиниш тўғри эмаслигини тушуниб етди. Бир куни Ҳаббоб розияллоҳу анҳо дўстини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам

билан учраштирди ҳамда иймонга келишига сабабчи бўлди.

Фотима бинти Хаттоб ҳам эрининг чақируви билан иккиланмасдан шаҳодат калимасини айтди. Ҳаббоб розияллоҳу анҳо ҳар куни келиб уларга Қуръон ўргатар, янги оятларни ўқиб берар, Ислом аҳкомларини тушунтирар эди.

Саид ибн Зайд ҳамда Фотима бинти Хаттоб розияллоҳу анҳум Аллоҳ ва унинг Расули йўлида жонларини фидо қилишга тайёр бўлса-да, иймон келтирганларини яшириб юришарди.

Исломнинг кундан-кунга ёйилаётгани мушрикларнинг ғазабини тоширарди. Бир куни Қурайш оқсоқоллари бунга бир чора топиш мақсадида Дорун надвада йиғилишди. Умар ҳам шу ерда эди. Мушриклар Пайғамбар алайҳиссаломни ўлдирishга қарор қилишди. Бу иш ни ким бажарса, унга катта мукофот ваъда беришди. Ғазабдан кўзлари қизарган Умар ўрнидан туриб, бу вазифани зиммасига олди. Мушриклар мам-

нун бўлишди, Умар зиммасига олдими, иш битди ҳисоб, дейишди ўзларича.

Уйига келиб, қиличини олган Умар мақсадини амалга ошириш учун йўлга чиқди. Муҳаммад алайҳиссалом Арқам розияллоҳу анҳуникида эканларини билди. Йўлда Нуайм ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳуни учратди. Илк мусулмонлардан бўлган Нуайм розияллоҳу анҳо вақтдан ютиш мақсадида унга куёви ва синглисининг мусулмон бўлганини айтди. Умар қаттиқ ғазбланиб, йўлини синглисининг уйига бурди. У келганида синглиси ва куёви Ҳаббоб розияллоҳу анҳудан Қуръон ўрганишаётган эди. Умар келганини кўриб, Ҳаббоб розияллоҳу анҳо яширинди.

Умар шиддат билан ичкарига кирди ва:

– Иккингиизнинг ҳам мусулмон бўлганингизни айтишди! – деганича куёвининг устига бостириб бора бошлади. Синглиси Фотима уларнинг ўртасига тушди. Умар иккисини ҳам дўппослаб, оғиз-бурнини қон



қилди. Фотима розияллоҳу анҳо жасорат кўрсатди. Ҳамма қўрқади-ган, ўзи ҳам сўз айтишга чўчийди-ган Умарга тик боқиб деди:

– Эй Умар! Аёлларга қўл кўтариш-дан уялмайсанми?! Ҳа, биз мусулмонмиз! Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирдик! Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва Расули эканига гувоҳлик берамиз. Нима қилсанг қил, йўлимиздан қайтмаймиз!

Фотиманинг сабот билан туриши Умарни ўйга толдирди. Синглисининг жасорати қалбини юмшатди.

– Бироз аввал эшитган нарсам нима, кўрсам бўладими? – деди. Ювиниб поклангач, қўлига Қуръон оятлари ёзилган саҳифалар берилди. Унда Тоҳа сурасининг илк оятлари кўчирилган эди. Уларни ўқигач, Умар ояти карималарнинг илоҳий жозибасига, чуқур ҳикматига асир бўлди.

– Бу қандай гўзал калом, қандай илоҳий ҳикмат!

Умарнинг юмшаганини кўрган Ҳаббоб розияллоҳу анҳу яширинган жойидан чиқди ва уни Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига бошлаб борди.

Фотима розияллоҳу анҳонинг жасорати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг ҳидоятига сабаб бўлди!

Фотима розияллоҳу анҳо эри Саид розияллоҳу анҳу билан бирга Мадинага ҳижрат қилди. Умрининг сўнги-га қадар чиройли ҳаёт кечирди. Акаси халифа бўлиб, адолат билан давлатни бошқарган саодатли дамларни кўриш бахтига муяссар бўлди. Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу халифалиги даврида вафот этди.

Манбалар асосида
Нигора АБДУМУХТОР қизи
тайёрлади.

Қайтар дунё

– Келин ҳам шундай эпсиз бўладими? Ишни бир-рам секин қилади. Сал гапирсанг, йиғлаб юборади, – дея қўшнисига дардиҳол қила бошлади Қандолат опа.

– Ундай деманг, опажон. Келинингиз ақлли, оғир-босиқ, покдомон. Ҳали ёш-да, тарбиялаш ўз қўлингизда.

Қўшнисининг гапидан опанинг энсаси қотди:

– Келин олмагансиз-да, айтиш осон. Ҳали замон хўжайиним ҳам ишдан келиб қолади. Яна гап эшитмай, – деб туриб кетди.

Маҳаллада “Қандолат опанинг келини кетиб қолганмиш. Бунга қайнонасининг ўзи айбдор, ўғлини қизғанавериб, хуноб қилган”, деган миш-мишлар тарқалди.

Собир ака хотинини ёнига қақриб, гап бошлади:

– Онаси, янги келинни сўраганларга “Уйига меҳмонга кетган”, дегин. Биров билмасидан тезда ўзинг қайтариб олиб кел.

– Мен энди қаёқдаги бир тирмизакка эгиламанми? – деди жаҳл билан опа.

Бу гапдан жаҳли чиққан Собир ака:

– Иккинчи бу гапингни эшитмай! У бизнинг келинимиз, ўғлимизнинг жуфти ҳалоли! – деди. Эрининг ғазабидан чўчиган Қандолат опа “Хўп!” деб қўя қолди.

Эртаси куни гўёки ҳеч нарса бўлмагандек қудасиникига кириб борди.

– Айланай, қизим, оила дегани шунақа бўлади-да. Шунча юрдингиз, энди уйга қайтмасангиз бўлмайди.

Қудаси шу гапни кутиб турган экан чоғи, бирдан чиройи очилди.

– Шуни айтинг, опа. Ахир оилада нималар бўлмайди? – дея қизига юзланди. – Қани, тезда кийин, уйингга бор! Энди бу уй сенга бегона, сал нарсага аразлаб келаверма!

Ўша йили Қандолат опа қизи Садафни ҳам узатди. Шундагина у беозор келинининг қадрига ета бошлади. Аксига олиб, Садаф худди онасига ўхшаган қайнонанинг қўлига тушди. Қайнонаси ўғлини қизғанаверарди. Натижада қизи тез-тез аразлаб келадиган бўлди...

“Қайтар дунё” деб шунга айтсалар керак-да!

Хонбиби ҲИММАТ
қизи





(Давоми.
Бошланиши ўтган сонларда.)

ХИТОБ

– Қаерда бўлишингиздан қатъи назар, Аллоҳ таоло сизни кўриб, эшитиб турганини унутманг!

– Доимо шариатимиз буюрганидек кийининг! Либосингиз сизнинг чин муслима эканлигини кўрсатиб турсин!

– Пардозингиз таҳорат бўлсин! Тилингиздан Аллоҳ таолонинг зикри тушмасин!

– Қуръони каримни ўқишни, оятлар маъноси борасида тафаккур, тадаббур қилишни доимий одат қилиб олинг!

– Намозни вақтида адоэтинг!

– Намозда асло шошилманг! Қироатни тажвид билан ўқиб, руку, саждаларини ўрнига қўйинг!

– Зинадан чиқмоқчи бўлганингизда ортингиздан эркак киши ҳам чиқадиган бўлса, сиз четга ўтиб, кутиб туринг, эркак чиқиб кетсин, кейин сиз чиқинг.

– Лифтга чиқмоқчи бўлганингизда у ерда бегона эркак бўлса, чиқманг. Кутиб туринг!

Лифт ўша одамни манзилига олиб чиққач, кейин лифтни чақиринг.

– Амакингиз, аммангиз, тоғангиз, холангизнинг ўғиллари билан ҳеч қачон қўл бериб кўришманг, чунки улар сизга номаҳрамдир.

– Сизга маҳрам қариндошлар бўлса ҳам, муомалада чегарани билинг, виқорингизни, иффатингизни сақланг.

– Дугоналарингиз билан кўчада кетаётганизда қаҳқаҳ отиб кулиб, баланд овозда гаплашманг. Ҳаёли бўлинг ва кўчада юриш одобига риоя қилинг!

– Сиз ўтирган уйга ёши катта қариндошлар кирса, уларни ҳурмат қилиб, ўрнингиздан туринг!

– Кўчада кетаётганингизда ёнингизда отангиз, акангиз бўлмаса, бирор бегона эркак билан гаплашманг, у билан асло ёлғиз қолманг. Динимиз бизни бундан қайтарган.

– Жамоат жойида кетаётганингизда ерда ётган нон бўлагини кўриб қолсангиз, уни олиш учун энгашманг, балки ноннинг ёнида тўхтаб, ўтириб, кейин олинг.

– Автобусда, таксида юришингизга тўғри келиб қолса, ёнингиздаги йўловчига асло ҳаётингиз ҳақида ҳикоя қил-

манг. Овозингизни баланд кўтарманг.

– Аёл эрнинг кўзгусидир. Эркак киши меҳрибон аёлдан таъсирланмай қолмайди. У эрини ўзгартиради. Ўзига ишончи, соф самимийлиги билан жуфти ҳалолининг ахлоқини, ҳаётини тузата олади. Бундай аёли бор киши қандини урсин!

Аллоҳ таоло қиз боқаётган, қизларини узатиш арафасида турган ва қизларини узатган азизларимизнинг меҳрибон, насиҳатчи, ҳақни кўрсатувчи ота-она бўлишларини насиб этсин! Қиёмат куни барча муслима қизлар ўз ота-оналари учун дўзахдан парда бўлишларини ато айласин!

Аллоҳ таоло ўғил боқаётган, ўғлини уйлантириш арафасида турган ва уйлантирган азизларимизнинг меҳрибон, ибратли, ҳақни кўрсатувчи, насиҳатгўй ота-она бўлишларини насиб этсин! Қиёмат куни барча мусулмон йигитларнинг ўз ота-оналари бошларига иззат тожи, устларига каромат сарпоси кийдирилишига сабабчи бўлишларини насиб айласин!

(Давоми бор.)

Таржимонлар:

**Иймон Али
КИТОБАЛИЕВ,
Сайдуллоҳ АҲМЕДОВ**

Аёлларга ҳос масалалар

Тавофда таҳоратли бўлиш вожиб

Жунуб бўлган ё таҳорати бузилган киши Байтуллоҳни тавоф қилса, ювиниб, таҳорат қилиб, қайта тавоф қилиши вожиб бўлади.

Чунки ҳайз, нифос кўрган аёл, жунуб (эр ё аёл) Байтуллоҳни тавоф қилиши ҳаром бўлади. Аёл ҳайз ҳолатида ифоза тавофини (фарз тавофи) қилса, унга туя, агар садр (хайрлашув тавофи) қилса, қўй сўйиб тарқатиши вожиб бўлади.

Аёл ҳайз ҳолида умра тавофининг, гарчи бир шавтини (бир айланишини) адо этса ҳам, қўй сўйиб тарқатиши вожиб бўлади.

Ҳайзли аёл масжидга кирмайди

Имом Абу Ҳанифа наздида аёл ҳайз кўрганида масжидга кириши жоиз эмас. Шунингдек, жунуб бўлган кишининг ҳам масжидга кириши жоиз эмас.

Ойша розияллоҳу анҳо айтади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келганларида саҳобалар уйлариининг олд томони масжидга қараган эди. Набий алайҳиссалом: **“Бу уйларнинг олдини масжидга қаратманглар”**,

деб масжидга кириб кетдилар. Қавм бу борада уларга бирор-бир рухсат тушади, деган ўйда ҳеч нарса қилмади. Кейин Набий алайҳиссалом уларнинг ҳузурига чиқиб: **“Уйларнинг олд тарафини масжидга қаратманглар. Мен ҳоиза ва жунуб (эркак ва аёл)га масжидга киришига рухсат қилмайман”**, дедилар”.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Эй иймон келтирганлар! Маст ҳолингизда – то айтаётган гапингизни биладиган бўлмагунингизча – намозга яқинлашманг ва жунуб ҳолингизда ҳам то ғусл қилмагунингизча. Магар йўлдан ўтувчи бўлса, майли”** (Нисо сураси, 43-оят).

Охирги вақт эътиборлидир

Агар аёл намознинг охирги вақтида ҳайз кўрса, у ҳали ўқимаган бўлса, намоз ундан соқит бўлади. Покланганидан сўнг у намозининг қазосини ўқиши вожиб бўлмайди.

Масалан, аёл бомдод намози вақти чиқишидан олдин ҳайз кўрди. Гарчи намоз чиқишидан бир лаҳза олдин ҳайз кўрса ҳам, намоз ундан соқит бўлади.

Нифосда ҳам худди ҳайз каби-дир. Агар аёлнинг дарди тутиб, қўғоноқ суви келса, шом намозини ўқимаган бўлса ва унинг дарди туғу-

руқсиз бир неча соат давом этса, сўнг хуфтондан кейин туғса, аёлга шом намозининг қазосини ўқиш вожибдир.

Агар ҳайз намознинг ғусл қилиш ва таҳрима айтишга кифоя қилгулик вақт қолганида тўхтаса, у ўша вақтдаги намозни ўқиши вожиб бўлади.

Масалан, аёл пешин намоз вақти чиқишидан олдин ҳайздан покланса, яъни ғусл олиш ва таҳрима айтишга кифоя қиларлик вақт қолганида покланса, унга пешин намозининг қазосини ўқиш вожибдир.

Агар қон ҳайз ўн кун бўлгач, тўхтаса, нифос қирқ кун бўлгач, тўхтаса, ғусл олмасдан эрига ҳалол бўлади

Бу муддатдан сўнг: ҳайзда ўнинчи кундан, нифосдаги қирқинчи кундан кейин қон келса, истиҳоза бўлади. Ана шу муддатлардан сўнг аёл гарчи ғусл қилмаган бўлса ҳам, ҳукман пок саналади ва эрига ҳалол бўлади. Лекин олдин ғусл қилиш мустаҳабдир. Намозни фақат ғусл қилганидан сўнг ўқийди.

“Ҳайз ва нифос илми зубдаси” китобидан
Юлдуз АСҚАР қизи
таржимаси

ТИЛЛА ВА КУМУШНИНГ ЗАКОТИ

Аёлларда тилла ва кумуш тақинчоқлар, айрим ҳолларда буюмлар кўри-нишида мулк мавжуд бўлади. Афсус, кўп аёллар бундан закот бериш тартиби ҳақида етарлича маълумотга эга эмас. Қанчадан-қанча тақинчоқлар закот нисобига етган бўлса-да, закоти берилмаган. Баъзилар “Тақинчоқларни тақсак ёки сақлаб турсакина, закот берилади”, деб ҳисоблашади. Ҳолбуки, улар ҳожати аслий эмас. Шунинг учун ҳанафий мазҳабига кўра, аёллар ўзларининг тилла тақинчоқлари 85 граммдан ва кумуш тақинчоқлари 595 граммдан кўп бўлса ҳамда бир йил вақт давомида ўзларида турса, закот беради. Закот берганда уларнинг икки ярим фоизини чиқарадилар ёки тилла ва кумушларининг қирқдан бири миқдорида закот берадилар.

Агар тилла тақинчоқлардан тилланинг ўзи закот сифатида берилса, тақинчоқларнинг вазнига қараб закот чиқарилади. Масалан, 100 грамм тилладан 2,5 грамм тилла закот берилади. Пул

билан бериладиган бўлса, тақинчоқларнинг бозордаги қийматига қараб закот чиқарилади. Масалан, бозорда қиймат қанча бўлса, шунинг қирқдан бири-ни закотга беради.

Тақинчоқлар хоҳ ишлатилаётган бўлсин, хоҳ ишлатилмаётган бўлсин, закот берилади. Чунки улар ҳамёндаги пул билан бир хилдир.

Шунингдек, маржон, зумрад, олмос, ёқут каби қимматбаҳо тошлар тилла ёки кумуш тақинчоқларда бўлса, бу тошларнинг вазни чиқариб ташланиб, соф тилла ёки кумуш вазнида закот берилади.

Тилла ҳамда кумуш идишлардан фойдаланиш исрофгарчилик ва манманлик бўлгани учун ҳаром қилинган. Шу сабаб бу каби буюмларни мусулмон инсон уйида сақлагани маъқул. Аммо ким бунга амал қилмай, мулкка эга бўлса, ушбу нарсалар ҳам нисобга етадиган миқдорда бўлса, закот чиқаради.

Аллоҳ таоло мазкур фарз амални мукамал бажариб, раҳматига эга бўлишни насиб этсин.

**Зулайхо
ФАЙЗИЕВА**
тайёрлади.



Ғийбатнинг турлари

Ишора йўли билан

Ишора йўли билан ғийбат қилишда бирор аниқ кишининг номи айтилмайди. Лекин одамлар бир неча аломатлар, белгиларга қараб, яъни ҳолат ва вазиятдан келиб чиқиб, гап ким ҳақида кетаётганини англаб оладилар. Масалан, “Бугун бизнинг ёнимизга келган киши мана бундай одам”, “Баъзилар аёлига буйсунади, лекин ота-онасига итоат қилмайди” ёки бирор қора киши келиб-кетганидан сўнг “Баъзи одамлар жуда қора бўлади-да” ё бир беморни кўриб келгандан кейин “Баъзи одамларнинг бадани жуда бадбўй бўлади-да” каби гапларнинг бир қарашда ноаниқ тарзда айтилгани билан эшитганлар: “Бу киши фалончи одам ҳақида гапиряпти”, деб тушуниб олсалар, шу ишора йўли билан ғийбат қилиш дейилади.

Таъриз йўли билан

Таъриз йўли билан ғийбат қилинганда ғийбатчи бир қарашда кимнингдир ҳолатини баён қилади, аслини олганда эса бошқа одамни назарда тутаётган бўлади. Эшитувчи ҳам гапнинг ким ҳақида бораётганини англаб турган бўлади. Масалан, бир одам ҳақида гапириладиганда: “Мени гуноҳлардан сақлаган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!” деса, бу гап ҳамду сано бўлиб кўрингани билан аслида юқорида айтилган кишининг қандайдир гуноҳ қилганини шу ерда ўтирганлар тушуниб олаверади.

Муҳаммад Абдулҳай
Лакнавийнинг

“Ғийбат ўзи нима?” китобидан
Ёрқинжон ФОЗИЛОВ
таржимаси



Қуръони каримда: **“Сизларнинг орангиздаги тул (эркак ва аёл)ларни ҳамда қул ва чўриларингиздан яроқлиларини уйлантирингиз! Агар (улар) камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазли билан бойитур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва доно Зотдир”,** дейилади (*Нур сураси, 32-оят*).

Келинг, сарлавҳадаги саволга жавоб қидириб кўрайлик. Кимдир наслини давом эттириш учун оила қуради, чунки унга ота-онаси бутун умр шу-

либ, юқоридаги ояти каримада никоҳланишимиз буюрилган. Ушбу оятга итоат қиламиз ва Аллоҳнинг амрини бажарамиз. Бажармасак, гуноҳкор бўламиз. Демак, оила қуйидаги сабабларга кўра қурилади:

– **Аллоҳ таолонинг амрига итоат қилиб.**

“Сизларнинг орангиздаги тул (эркак ва аёл)ларни ҳамда қул ва чўриларингиздан яроқлиларини уйлантирингиз! Агар (улар) камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз

“Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун ўғиллар ва набиралар пайдо қилди ва сизларни пок нарсалардан ризқлантиради. Бас, (улар) ботил (бутлар)га иймон келтириб, Аллоҳнинг неъматини инкор этадиларми?!” (*Наҳл сураси, 72-оят*.)

– **Гуноҳдан сақланиш учун.**

Бошқа оятларда Аллоҳ таоло Ўзи буюрган шартларни бажармасдан бирга бўлиш – зи-

Нега оила қурамиз?

ни уқтириб келган: “Сенинг болаларинг бўлиши керак, тезроқ уйлан” ёки “Қизим, энди турмушга чик”. Баъзиларни ота-оналари мажбурлайди, баъзилар бу масалани жиддий қабул қилган ҳолда ўзлари танлов қилади ва турмуш қуради. Кимдир зинонинг гуноҳлигини ўйлаб, ундан ўзини тийиш учун никоҳланади... Кимдир уй-рўзгор ёки молиявий муаммоларни ҳал қилиш учун турмуш қуради. Кимдир маънавий ёрдам истайди ва уни янги қурган оиласидан топишга ҳаракат қилади. Яна бир тоифа элнинг орасида ўз мавқеига эга бўлиш – “ажрашмаган”, “қари қиз эмас”, “бева эмас”, “енгилтак эмас”, “оилали” деган сифатлар билан таърифланишни мақсад қилади. Кимлардир эса муайян ижтимоий мақомга эришиш илинжида оила қуради.

Аслида, бизга оила қуриш Аллоҳ таолонинг амри бў-



фазли билан бойитур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва доно Зотдир” (*Нур сураси, 32-оят*).

– **Никоҳланиш пайғамбарларнинг суннати бўлгани учун.**

“Тўртта нарса пайғамбарларнинг суннатидир: ҳаё, хушбўйлик ишлатиш, мисвок ва никоҳ” (*Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривояти*).

– **Наслни давом эттириш учун.**

нонинг жазосини таърифлаган. Қуръони каримда оила қуришда муайян шартларга риоя қилиш лозимлиги таъкидланган. Мазкур шартлар бажарилмаслиги Аллоҳ таолонинг ушбу никоҳни қабул қилмаслигига сабаб бўлади. Ўзимиз, фарзандларимиз, невараларимизнинг оилалари бахтли бўлишини, Аллоҳ таоло никоҳларимизни қабул қилиб, баракотини ёғдириб туришини истасак, У Зотнинг амрларини бажаримиз шарт.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Кимга Аллоҳ таоло солиҳа аёл насиб этган бўлса, Аллоҳ унинг динининг ярмига ёрдам берибди. Қолган ярмида Аллоҳдан тақво қилсин”** (*Имом Ҳоким ривояти*), деганлар.

Дамин ЖУМАҚУЛ
тайёрлади.



Лаҳзалик лаззат — мангу надомат

Ўтиш даврида қизининг тез-тез жиззаки бўлиши, ҳар гапга қўпол жавоб беришидан Осиё опанинг жаҳли чиқарди. Шундай бўлса-да, унга хушмуомала бўлишга, бундай вақтда кўнглига қарашга ҳаракат қилди. Мактабга бориб келиши, ўртоқларининг уйида қолиб дарс қилиши борасида насихат қилса, “Онам мени ёш бола деб ўйлайди”, дея ранжиган Ҳилола бугун шундай онанинг фарзанди эканидан хурсанд бўлди.

Баъзи дугоналари ҳамиша онасининг уларни тушунмаслигини, баъзан уриб танбеҳ беришларини айтиб, кўп нолишарди. Бундай вақтларда уларнинг ўзларига зиён етказишларини кўриб ҳайратланарди. Улар орасида қандайдир дориларни қабул қилаётганлари ҳам бор эди. Бугун ўша дугоналари шифохонада даволанишмоқда...

Қуръони каримда: **«Аллоҳ йўлида (бойликларингиздан) сарфлангиз ва ўз қўлларингиз (бахиллигингиз) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламанг! (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни**

яхши кўради», дейилади (*Бақара сураси, 195-оят*).

Кучли таъсир қилувчи дори воситалари аслида тиббиётда қўлланиб, фақат шифокор кўрсатмаси асосида берилади.

Психотроп моддалар инсон руҳиятига таъсир қилиб, уни ҳам жисмонан, ҳам руҳан шикастлайди. Сўнгги пайтларда бу дори воситаларини истеъмол қилиш ортиб кетди. Айниқса, трамадол, лирика каби психофаол моддалар истеъмоли ёшлар орасида “мода”га айланиб қолди. Дорихоналарда мавжуд мазкур воситалар савдоси назоратга олинди.

Афсуски, “Эшикни ёпсанг, тешикни топади”ганлар учун қинғир йўл билан пул топиш йўллари кўп. Фарзандини йўқотган ота-оналар, саломатлигидан айрилган кимсалар уларни мутлақо қизиқтирмайди. Уларни қонунга асосан жавобгарликка тортиш билан бирга “Нима учун бу дорилардан фойдаланишяпти?” деган саволнинг жавобини ўйлаб кўриш лозим. Ахир, айтишадикун “Касални даволагандан кўра унинг олдини олган афзал”, деб.

– “Бир марта истеъмол қилман, холос”, дея психофаол до-

риларни қабул қилаётганлар қаттиқ янглишади, – дейди Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиали шифокор-наркологи Сайёра Интизорова. – Психотроп моддаларни истеъмол қилганларнинг кўпчилиги “Фикрлашим тиниқлашди, мулоқотда фаоллашдим, менга ғоялар қуйилиб келяпти”, дея бу сароб ҳоли давомий бўлиши учун яна ва яна фойдаланишга киришади. Натижада уйқусизлик (бу дорилар таъсирида 3 кунгача ухламаслик мумкин), онкологик касалликларнинг ривожланиши, жигар, буйрак, ўпка ва ошқозон фаолияти ёмонлашуви, таъм ва ҳид сезмаслик, иштаҳа йўқолиши, пневмония ва сил касаллигига чалиниш эҳтимоли кучайиб кетади. Шунингдек, вас-васага тушиш, ташқи муҳитни англамаслик, оғриқни ҳис қилмаслик, тутқаноқ кабилар кузатилади.

Маълум муддат енгил бўлиш қимматга тушиши мумкин. Бу эса қанчадан-қанча инсонларнинг ботқоққа ботиб қолиш омиллари ҳақида фикрлашни талаб этади.



– “Оиламни йўқотдим, ота-онамни норози қилдим, мендан ҳамма қочадиган, қўпол бўлса-да, айтаман, жирканадиган бўлди”, деган афсуслар билан келадиган беморларимиз бор. Инсоннинг тўғри йўлга қайтиши, ўзида куч топиб касаллик билан курашиши жасорат ва унда, албатта, яқинларининг кўмаги бор. Лекин бунга сабаб бўлган омилларни ҳам унутмаслик лозим. Кўп ҳолларда эътиборсизлигимиз, хатоларимиз жабрини тортяпмиз. Кўни-кўшни, қариндошлар, таълим муассасалари ва атрофдагилар ҳам танишларининг руҳий ҳолатига лоқайд. Биздаги энг катта хато – бу ҳақда гапиришга уялиш, оилада маълумотларни фарзандларга тўғри беришни билмасликдир. Муаммо бор экан, у айтилиши, оқибатлари тушунтирилиши лозим.

Ҳадисда: **“Исломда ўзига ҳам, ўзгага ҳам зарар етказиш йўқ”**, дейилади (Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривояти).

Демак, бу тобелик инсоннинг ўзигагина эмас, жамиятга ҳам зарарлидир. Масалан, ажримлар, автоҳалокатлар, жиноятларнинг аксари шу дорилар таъсирида содир бўлмоқда. Улар сабабли юзага келаётган фалокатлар уни асримизнинг захриқотили эканини кўрсатади. Лаҳзалик лаззат учун дунё ва охиратингизни йўқотманг, эй азиз инсонлар!

Камола АДАШБОВЕВА

Айрим кимсалар мусибатга учраган одамга ёрдам қўлини чўзиш ўрнига унинг ҳолатини тасвирга олади ва шу куниёқ оламга дoston қилади. Бунни кўриб: “Тасвирга олгандан кўра ёрдам берсанг бўлмайdimи?” деган савол очиқ қолади.

Яқинда ёш келинни эри пичоқлагани тасвири ижтимоий тармоқларда тарқалди. Бир оиланинг икки гўдаги бир

нинг шифохонада фарзандини аёвсиз ургани тасвири ёйилган эди. Кўп ўтмай, мутасаддилар вазиятни ўрганиб, аёлга руҳий кўмак зарурлигини айтишди. Аён бўлишича, она оғир бетоб бўлган фарзандига бир неча кун ухламасдан туни билан қараб чиққан, уйқусизлик унинг руҳиятига салбий таъсир қилган. Бу вазиятда яқинлари кўмак бермаган. Бироқ тасвирлар кенг

Инсон шаъни нима бўлади?

кунда ота-онасидан айрилиб қолди. Онани қабрга, отани қамоққа элтишга сабаб бўлган бу мудҳиш воқеа нима мақсадда тасвирга олинди?! Эсиз вақт, эсиз одамийлик...

“Тасвирчи”лар “Бунни олишимизга сабаб инсонлар огоҳ бўлсин” ёки “Масъуллар бу муаммони ҳал этсин”, деб ўзларини оқлаши мумкин. Лекин инсоннинг шаъни масаласи нима бўлади?

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: **“Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳдан қўрқ. Ёмонликка яхшилиқни эргаштир. Бу уни ўчириб юборади. Одамларга гўзал хулқ ила муомала қил”**, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Анча вақт аввал ижтимоий тармоқда бир она-

тарқалиб, бир оила ҳақида салбий муносабат шаклланишига сабаб бўлиб қолди.

Айтмоқчимизки, бировни тасвирга олиб, оммага шарманда қилишдан аввал унга “Қандай кўмак бера оламан?” деб бир ўйлайлик. Бизнинг кўмагимиз бир инсоннинг ҳаётини, бир оиланинг шаънини сақлаб қолиши мумкин-ку ахир...

Тошпўлат АШУРОВ,
Когон шаҳри





Дуолар кўрғони

(Давоми. Бошланиши
ўтган сонда.)

Таҳоратдан олдин бундай
дейман:

بِسْمِ اللَّهِ
“Бисмиллаҳ”.

Маъноси: “Аллоҳнинг но-
ми ила бошлайман”.

Таҳоратдан сўнг бундай
дейман:

أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا
شَرِيكَ لَهُ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ التَّوَّابِينَ، واجْعَلْنِي
مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ

“Ашҳаду ан лаа илааҳа
иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа ша-
рийка лаҳу ва ашҳаду ан-
на Муҳаммадан ʼабдуҳу
ва росулуҳ. Аллоҳуммаж-
ʼалний минат таввабийна
важʼалний минал мута-
тоҳҳирийн” (Имом Муслим
ривояти).

Маъноси: “Гувоҳлик
бераманки, Аллоҳдан ўзга
илоҳ йўқ. Унинг шериги ҳам
йўқ. Гувоҳлик бераманки,
Муҳаммад Унинг қули ва
расулидир. Ё Аллоҳ, мени
қўп тавба қилувчилардан ва
покланувчилардан қилгин”.

Қўлингизни тўғри ювиш-
ни биласизми?

Қуйидаги ибораларни му-
носиб суратларга бирлашти-
ринг:

1. Қўлларим кир!
2. Қўлимни фақат сув би-
лан юваман.
3. Қўлимни совун билан
яхшилаб тозалайман.
4. Совун кўпигини сув би-
лан кетказаман.

5. Қўлларим бутунлай то-
за ва покиза!

Тонгги дуолар



Ихлос, Фалақ ҳамда Нас су-
ралари Аллоҳ таолонинг из-
ни билан кишини ҳар қандай
ёмонликдан сақлайди.

Қуйидаги ҳарфларни тар-
тиб билан ўз ўрнига қўйинг
ва оят номини билиб олинг:

л - я - р - у - к - с -
о - т - й - и - у

Оят:

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا
تَأْخُذُهُ سِنَةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ
وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ
عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ
وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ
عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ
السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا
وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ ﴿٥٥٢﴾

“Аллоҳу лā илāҳа иллā
ҳувал ҳаййюл қойюм. Лā
таъҳузуҳу синатув ва ла
навм. Лаҳу мā фиссамāвāти
ва мā фийл арʼз. Манзалла-
зий яшфаъу ʼиндаҳу иллā
биизних. Яъламу мā байна

айдийҳим ва мā холфаҳум
ва лā юҳийтувна бишайʼим
мин ʼилмиҳи иллā бимā
шā-а васиъа курсийюҳус
самāвāти вал арʼзи ва лā
яувдуҳу ҳифзуҳумā ва ҳу-
вал ʼалийюл азийм”.

Маъноси: “Аллоҳ, Ундан
ўзга илоҳ йўқ. У тирикдир ва
қаййумдир. Уни мудроқ ҳам,
уйқу ҳам олмас. Осмонлару
ердаги нарсалар Уникидир.
Унинг ҳузурида Ўзининг из-
нисиз ҳеч ким шафоат қи-
лолмас. У уларнинг олдила-
ридаги нарсани ҳам, ортла-
ридаги нарсаларни ҳам би-
лур. Унинг илмидан ҳеч нарсани
иҳота қила олмаслар, магар Ўзи
хоҳлагани, холос. Унинг курсиси
осмонлару ерни қамраган. У уларни
муҳофаза қилишдан чарчамас. Ва
У Алий ва Азийм Зотдир”.

Тонгги дуо

اللَّهُمَّ بِكَ أَمْسَيْنَا وَبِكَ أَصْبَحْنَا وَبِكَ
نَحْيَا وَبِكَ نَمُوتُ وَإِلَيْكَ النُّشُورُ

“Аллоҳумма бика асбаҳ-
на ва бика амсайна ва бика
намуту ва илайҳин-нушур”
(Имом Термизий ривояти).

Маъноси: “Эй Аллоҳ! Сен
(сабаб, Сенинг мададинг) би-
лан тонгга етдик, Сен (сабаб,
Сенинг мададинг) билан ҳа-
ётдан кўз юмамиз. Қайтиш
Сенгадир”.

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси



Набий соллаллоху алайҳи ва саллам айтадилар: **“Олим бўл ёки таълим олувчи бўл ёки (илмни) тингловчи бўл ёки (илмга) муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлмагин, ҳалок бўласан”** (Имом Табароний ривояти).

Орадан йиллар ўтди. Оила, иш, рўзғор, болалар... Илмга рағбат, бирор янги нарсани ўрганишга бўлган иштиёқ сўниб борди. Янги курсда ўқиш, илмий фаолиятни давом эттиришни тақлиф қилган дўстларимга берган жавобимдан бугун уяламан:

“Ишим бор, рўзғор юмушларидан ортиб илм қилишга кучим етмайди!”

Бироқ юқоридаги ҳадисни қайтадан эшитганимда қалбимда бир қадрдон туйғу қайта жонланди. “Олим бўл!” деган жумла ўтиб бораётган умримни тасмадек кўз олдимда жонлантди... Оиладаги майда ташвишлар, ишдаги арзимас гаплар, қариндошлар орасидаги тортишувлар, рўзғорнинг ками, кимнингдир мен ҳақимда айтган гаплари... Хуллас, мен бешинчи одамга айланиб қолганимни сезмай қолибман. Пайғамбаримиз алайҳиссалом огоҳлантирган ҳалокат ёқасига етибман.

Оилаларда, мактаб-боғчаларда, кўча-кўйдаги муаммолар... Барчасининг сабаби – илмсизлик. Таълим олиб, камолотга эришиш эмас, енгил-елпи ҳаёт ортидан чопяпмиз.

Муаммоларнинг асл илдизларидан бири эса оилаларда қизлар таълимига эътиборсизликдир. Бу камчилигимизни хаспўшлашга уринмайлик. Юзимизга кўзгу тутайлик. Бугун юртдошларимизнинг 80–90 фоизи фарзандига саодатга етакловчи илмни эмас, балки келажакда яхши яшабини

...Ҳолимиз шу бўлгач, келажак авлоддан нимани ҳам кутиш мумкин?! Бугун аждодларимиз номини фахр билан тилга олишдан нарига ўтмаяпмиз. Ўшандай олимларни тарбиялаган оналар осмондан тушмаган-ку!

Бандани саодатга бошлаб, уни дунёнинг кам-кўстига қаноат қилишга, унинг ўткинчи эканини эслатиб, дунё неъматларидан тўғри фойдалана олишга эса дин ўргатади. Яъни, ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни мукам-

мал эгаллаган фарзандларимизгина чин маънода саодатга эришадилар.

Олимларнинг оналари осмондан тушмаган...

таъминлайдиган йўналишни танлаяпти.

Қизларимизнинг ҳоли ҳам бундан қолишмайди. Мактаб таълимидан кейин ўқишни давом эттириш ҳақида сўз очилса:

– Ўқитувчи бўлиб қўя қол. Қўлингда пулинг бўлади, тушгача дарс берасан, уй ишларига ҳам улгурасан!


– Шифокорлик касбини танлаб, қиз боланинг 10–12 йил ўқиши... Талаба келин кимга ҳам керак?!

– Ҳозир акангнинг контрактини тўлаяпмиз. Қизим, аёл кишини эри боқиб олади. Бирор касб ўрганиб қўя қол! Тикувчига шогирдликка берамиз...

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам марҳамат қилганлар: **“Охиратни деб дунёни, дунёни деб охиратни тарк қиладиганларингиз яхшиларингиз эмасдир. Яхшиларингиз ундан ҳам, бундан ҳам насибасини олган кишидир”** (Имом Бухорий ривояти).

Ислоҳни бугундан бошлайлик! Қизларимизнинг олима, фозила бўлишлари учун масъулиятни елкамизга олайлик. Зеро, хоҳ ўғил бўлсин, хоҳ қиз бўлсин, фарзандларни оналар тарбия қилади.

Нигора МИРЗАЕВА



Абу Саид Худрий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Ансорийлардан бир қанча одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан (мол) сўрадилар. У зот уларга сўраганларини бердилар. Сўнг-ра яна сўрадилар, яна бердилар. Сўнг-ра яна сўрадилар, яна бердилар. Ҳатто ҳузурларидаги нарса тугади. Шунда у зот: **“Ҳузуримда нима яхшилик бўлса, сизларга бермай, олиб қолмасман. Ким иффатталаб бўлса, Аллоҳ уни иффатли қилур. Ким беҳожатлик талаб қилса, Аллоҳ уни беҳожат қилур. Ким сабр талаб қилса, Аллоҳ уни сабрли қилур. Ҳеч кимга сабрдан кўра яхшироқ ва кенгроқ ато берилмаган”**, дедилар» (Бешовлари ривоят қилишган).

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Кимдир оилада, ҳаётда бор-йўғига чидаб, шукроналик билан яшайди. Кимдир бой-бадавлат бўлатуриб, ҳаётдан нолийди.



Эсимда... Туғилиб ўсган болалик маҳалламизда Маҳмуд ака ва Хосият опа оиласи билан яшардилар. Уч фарзанди бор эди. Улар ночор яшасалар ҳам, бирор марта нолишмасди. Кун бўйи далада меҳнат қилиб,

Сабрда ҳикмат кўп

кеч бўлганда уйга қайтишарди. Икки болани етаклаб, бирини кўтариб, тонг саҳарда далага боришарди. Дарахт шохига беланчак илиб, болани ётқизиб, ўзлари ер чопишарди. Тушликда атала ичиб, болаларини ҳам амаллаб тўйдириб, қоронғида уйга қайтишарди.

II жаҳон уруши бошланиши билан Маҳмуд ака фронтга кетган, Хосият опа уч фарзанди билан қолган. Бир йилдан сўнг “қора хат” келди. Хосият опа зор-зор йиғлаб, болаларини бағрига босиб қолаверди. Аллоҳ берган ризқига шукр қилиб яшади.... Қийинчилик, очарчилик бошланди. Хосият опа бу синовларга бардош берди. Фақат Аллоҳ номини дилига жо қилиб яшади. Уч фарзандини вояга етказиш учун ўзига куч, сабр-қаноат тилади. Ўша оғир дамларда ҳам бировдан

ёрдам сўрамади, Яратгандан болаларининг соғлом, сабр-қаноатли, иймон-этиқодли бўлишини сўради. Уларни ўқитди, олий маълумотли қилди. Ҳозир Хосият буви 85 ёшда.

– Сабр-қаноатда, шукр қилиб яшашда ҳикмат кўп экан, – дейди буви. – Икки фарзандим шифокор, яна бири тадбиркор, ҳамма шароитимиз бор. Ўтган армонли кунларимни эслаб, ҳозирги дориламон замонга етказганига Аллоҳга ҳамду санолар айтаман.

Комил мўмин ва мўминалар сабр-қаноат қилиб, икки дунё саодатига эришадилар, иншоаллоҳ! Хосият бувининг ҳаёти бунга ёрқин мисолдир.

Сабр борасида гап кетганида масаланинг иккинчи томони ҳам борлигини унутмаслик керак. Улуғларимиз сабрдан аввал Аллоҳ таолодан офият сўрашни таъкидлайдилар.

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг “Аллоҳим, мен Сендан сабр сўрайман”, деганини эшитиб: **“Сен Аллоҳдан мусибат сўраяпсан, унинг ўрнига офият сўра!”** деганлар (Имом Термизий ривояти).

Демак, банда Раббидан нимани қандай сўрашни ҳам билиши керак.

Тўхтаҳон РАҲИМОВА,
Наманган тумани



Қўшнилари азиятига сабр...

Рисолат опа шаҳарлик келинига: “Бироз масаллиқ қўшсангиз, қўшнилари ҳам етади”, деди. Келини ҳайратланиб: «Ойижон, ҳозир қўшнига овқат олиб чиқилмайди-ку! Олиб чиқсак, “Ўқитилганми?”, “Бу қандай тайёрланган?” деб шубҳаланиб, тўкиб ташламайдими?» деди.

Опа шаҳарлик келинига бу яхши амаллардан экани, тайёрланган таомда қўшнининг ҳақи борлигини тушунтирди. Келин таомни қўшнига олиб чиқди. Қўшни мамнуният билан қабул қилиб, идишига ширинлик солиб қайтарди.

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Эй Абу Зар, шўрва пиширсанг, шўрванинг сувини кўпайтир-да, қўшнилариңдан хабар ол ёки қўшнилариңгга ҳам тақсимлаб бер”,** дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Авваллари қўшнилари бир-бирларига таом улашар, тансиқ овқат тайёрлашса, ҳамсоясини ҳам эсидан чиқармасди. Айрим жойларда ушбу анъана сақланиб қолган бўлса-да, афсус, бу урфимиз унутилиб борапти. Бугун

қўшнилари орасида бир-бирини кўра олмаслик, фарзандлари жанжаллашса, ўзаро низолашиш ҳолатлари кўп учрапти.

Бугун айрим маҳалларга қўшнисидан қиз ёки йигитни суриштириб борсангиз, “яхши” деган жавобни оласиз. Тўй бўлиб ёмон чиқса, қўшнилари: «Биз ёмонлигини билардик. Онаси уйимизга келиб: “Ёмонласанг, оилангни бузаман”, дегани учун мажбур бўлдик”, дейишади. Қўшнисига таом бериш у ёқда турсин, уйининг олдидан айланиб ўтадиганлар бор. Боласи шўхлик қилиб қўшнининг эшик қўнғироғини босиб қочса, “Бола-да”, дейиш ўрнига ота-онасини ҳақоратлайди. Жамиятни қамраб олган жиззакилик қимматга тушмоқда... Ҳасан Басрий: “Қўшнидан азиятни тийиш яхши қўшничилик эмас, яхши қўшничилик қўшнидан етган азиятга сабр қилишдир”, дейди.

Агар биз қўшни ҳақиқа, қўшничилик анъаналарига риоя қилсак, ёмон қўшнига одобимиз билан намуна бўлсак, уларнинг яхши томонга ўзгаришига сабабчи бўламиз, иншоаллоҳ.

Нурсора ҒАЙРАТОВА

Оналарни асрайлик

*Ёқмаса ҳам алланимада
Ногаҳоний онангиз гапи,
Шукр қилинг тириклигига,
Берган меҳри, садоқатига.*

*Қадамини судраб босса ҳам,
Эҳтиётсиз эшик ёпса ҳам.
Демак, тирик, уй эса тўлиқ,
Хўрсинса ҳам, оҳлар урса ҳам.*

*Тушиб кетса қўлдан пиёла,
Ғазабланманг, боринг ёнига.
“Ҳечқиси йўқ, онажоним!” дег
Ва меҳр-ла қучоқлаб олинг.*

*Тонг палласи пишириқ ҳиди
Гар уйғотса сизни ногаҳон.
Демак, уйда, Худога шукр,
Онангиз-ла топгайсиз омон.*

*Байрамларда онаизорга
Гуллар тутиб, берсангиз совға.
Фарзандингиз бир қуни келиб,
Сизни севиб, қўяди бошга.*

*Ёқмаса-да, алланимада
Ногаҳоний онангиз гапи,
Шукр қилинг тириклигига,
Ҳеч унутманг, бундай меҳрни
Фақат она бера олади...*

Тамара ЧУФАРЛИЧЕВА,
рус тилидан
Шоазим МИНАВАРОВ
таржимаси



Йўлда савоб олай десангиз...

Машиналардан тез-тез чиқиндилар отилади. Уловдаги ҳайдовчи йўлнинг ўртасида эшикни очадию туфлайди. Шундай қилиш мумкин экан, деб ўйлаган орқа ўриндиқдаги болакай машинадан бошини чиқаради...

Катта йўлларда чиқиндилар ётгани, машина тезлигидан ерда турган идишлар у ёқдан-бу ёққа отилиб, одамларга урилганини кўра-миз.

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Одам боласининг уч юз олтмишта бўғини бор. Уларнинг ҳар бири учун ҳар кун садақа бор. Ҳар бир ширин сўз садақадир. Кишининг биродарига ёрдами садақадир. Тутадиган бир ичгулик суви ҳам садақадир. Йўлдаги озорни кетказиш ҳам садақадир”**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Биз садақа фақат моддият деб ўйлаймиз. Бироқ қўлимиздаги нарсани белгиланган жойга ташлашимиз ёки йўлдаги зарарли нарсаларни олиб қўйиш ҳам садақалигини билмаймиз.

Ёш боласини одамларнинг кўзи тушадиган жойга ҳожат қилдираётган, йўлларда туфлаб кетаётганларга кўзингиз тушса, кўнглингиз беҳузур бўлади. Муоз ибн Жабал розияллоху анхумодан ривоят қилинади. Расуллул-

лоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Учта лағнатланадигандан: сув ҳавзаларига, йўл ўртасига ва сояга қазои ҳожат қилишдан сақланинг!”** дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).



Динимизда бу каби ишларнинг тўғри бажарилишига ҳам қўлланма бор. Абу Ҳурайра розияллоху анхумодан ривоят қилинган ҳадисда Расуллуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Бирортангиз намозда турган бўлса, Раббига муножот қилаётган бўлади (ёки Рабби у билан қибласининг ўртасида бўлади). Ҳаргиз қибласига туфламасин. Балки сўл томони ёки оёғи остига (туфласин)”**, дедилар (Имом Бухорий ривояти). Машинада ўтирган ҳайдовчи ёки ўтиш жойидаги йўловчи бу ишни қилса-ю, тупроқ бўлмаган ер-

ни қандай кўмади?! Шу сабаб ҳам бу каби ҳолатларни инсонларга озор етказмасдан қилишга чақирилганмиз.

* * *

Катта йўлдаги шовқин яқин атрофдаги уйларни безовта қила бошлади. Деразалар бир-бир очилди... Машиналар катта тезликда ўтар, йўлнинг ўртасида катта темир бўлаги уларнинг остида у ёқдан-бу ёққа отиларди. Боласини йўлнинг четига турғизиб қўйган аёл ўша буюмни олиб ташлашга ҳаракат қиларди. Машиналар секинлаша бошлади, аёл буюмни зўрға судрар ва ўғлига ўша ерда туришини тинмай тайинларди. Аёл йўлдаги буюмни четга олди. Машиналар йўлида давом этди.

Бир аёлнинг бу гўзал хулқи кишининг ҳавасини келтирса, унга бепарво ўтиб кетаётган, машинадан тушиб, кўмак беришни муносиб кўрмаган инсонларнинг ҳаракати кўнгилни хира қилади. Бола онасидан йўлнинг ўртасидаги буюмни олиб қўйишни ўрганар, лекин атрофдагилардан лоқайдликни ҳам ўрганмайди, деёлмаймиз.

Ҳақиқий муслмон бўлишни ният қилар эканмиз, буни амалларимизда ҳам кўрсатайлик. Айниқса, йўлларда, кўчаларда атрофдагиларимизга муслмон одоби ила кўринишимиз бизни икки дунё саодатига етиштиради, иншоаллоҳ.

Муқаддас АҲАДОВА,
ўқитувчи

Изтироблар ҳаловати

Яқинда қаламкашлар орасида қўлдан қўлга ўтаётган бир китобга кўзим тушди. Китоб номи диққатимни тортди: “Изтироблар ҳаловати”. Ажабо, изтиробдан ҳам ҳаловат топиш мумкинми?

Қизиқиш, ҳайрат билан китобни varaқлайман. Унда иллатларни айтишдан кўрқмаган, уларни кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этган ўткир қалам соҳиби – журналист ҳаёти акс этади. Қизиқарли ҳаётий ҳикоялар, эсселар, мақолалар, хотира ва эсдаликлар ўқувчини ўзига боғлаб олади. “Марғилонликлар”, “Ҳужжатларга сиғмаган фарёд”, “Уят”, “Равшанжонни кўргим келади”, “Зулфияхоним, нега индамайсиз?”, “Сизга саволим бор, муаллим”, “Бир фожиа

илдизлари” каби уч юздан ортиқ мавзу жамланган. Китобни ўқир экансиз, одамийлик, меҳр-оқибат, кадр-қиммат, ота-онага ҳурмат ва эътибор, ҳалоллик ва ҳар қандай касб эгасининг ўз бурчига содиқ бўлиши зарурлигига яна бир бор амин бўласиз.

Ўқибман-у, уқмабман

Бомдод намозини адо этгач, ошхонага ўтдим. Бир юмуш бошлашдан олдин одатим бўйича радио қулоғини бурадим. Майин миллий мусиқага хонанданинг дардли овози жўр бўлди:

Махтумкули айтар: топмадим омон,

Ёмон тилнинг захри илондан ёмон.

Ёмон тил олдида захарли илон

Чақса-да, бир чивин чаққанча бўлмас...

Ажаб, шоир шу тўрт қаторга сингдириб, сиғдирган фикрни кимлардир қалин китобда ҳам бунчалик аниқ, таъсирчан, халқона ифодалаб беролмаса керак. Бир қатра... Аммо аждодлардан авлодлар қалбига умрбоқий дарёдек шарқираб оқиб кирмоқда. Сабаби – инсон боласи ўзини англай бошлагандан умрининг охи-


ригача амал қилиши зарур бўлган ҳикматлардан бирининг баёни бу. Асрлардан-да ёши улуг бу сатрларни мен ҳам ёшлигимдан биламан. Лекин... ўқибман, ёдлабман-у, уқмабман-да! Тилимининг захарли қиличи яралган қалбларнинг, тиғи сўлдиргану ўлдирган шодликлар, умид, ишонч, илинжларнинг сон-саноғи ўзимгагина маълум, холос.

Ўсмирлигимизда ҳовлимизда дўппи тикиб ўтириб, радиодан эшитардим бу ашулани. Энди набиралар ўсмир ёшидан ҳам ўтиб бормоқда. Бир умр эшитиб, таъсирланиб, ҳатто бошқаларга ибрат сифатида ўқиб берибмиз-у, ўзимиз ибрат кўчасидан айланиб ўтибмиз. Тил жоловини шайтонга бериб қўйиб, дилозорликдан ҳали-ҳануз қутулолмаймиз. Унутмайлик, ҳисоб-китоб муқаррар!

Китобга Ўзбекистонда хизмат кўсатган маданият ходими Муҳтарам Улуғованинг “Ҳидоят” журнали, “Ислом нури” газетаси саҳифаларида эълон қилинган талай мақола ва ҳикоялари ҳам киритилган.

**Фазлиддин
АБДУНАЗАРОВ,**

Ўзбекистон журналистлари уюшмаси аъзоси





(Давоми, бошланиши
ўтган сонда.)

Савоб умид қилишнинг қандай фойдалари бор?

Барча ишларингизда савоб умид қилишга уринсангиз, катта фойдаларга эришасиз. Демак, савоб умид қилишнинг фойдалари:

1. Комил иймон ва гўзал Ислонинг далили.
2. Жаннатга эришиш ва дўзахдан нажот.
3. Икки дунё саодати.

зурида савоблар захира қилинади. Бундан аёл суюнади, тақвоси ортади.

9. Савоб умид қилиш Аллоҳ таолонинг қадари ва қазосига рози бўлиш, Парвардигор ҳақида гўзал гумонда бўлишнинг далилидир. Банданинг диёнати ва унда бардавомлиги белгисидир.

10. Савоб умид этиш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишдир.

11. Доимо одамлар сизни

яхши кўр". (Ровий айтади) **Шундан сўнг Жаброил алайҳиссалом у бандани яхши кўради. Кейин Жаброил алайҳиссалом осмон аҳлига: "Аллоҳ таоло фалон бандасини яхши кўради, уни сизлар ҳам яхши кўринглар", дейди. Шундан сўнг осмон аҳли уни яхши кўради. Шундан сўнг унга ерда мақбуллик берилади. Агар Аллоҳ**

Ҳар кунни қандай

4. Тоатда савоб умид қилиш уни холис Аллоҳ учун бажаришга сабабдир. Ана шунда бу тоатнинг мукофоти фақат жаннат бўлади.

5. Қийинчилик ва мусибатлардан савоб умид қилиш улар учун қилинган сабрнинг ажрини икки баробар кўпайтиради.

6. Савоб умид қилиш риёдан йироқлаштиради, Аллоҳга иймонни кучайтиради.

7. Қийинчиликда савобни умид қилиш маҳзунликни кетказиб, қувонч ва хотиржамлик олиб келади.

8. Тоатда савоб умид қилиш билан Аллоҳнинг ҳу-

яхши кўришларини истайсиз. Бу албатта яхши, лекин сиз бундан кўра юксакроқ нарсага интилинг. Яъни, фақат Ер аҳлининг муҳаббати сизга етарли бўлмайди! Яна бу тилакка эришиш осон эмас, фақат... осмон аҳли сизни яхши кўрсагина енгилдир. "Қандай қилиб" дейсизми? Сиз савоб умид қилинг. Солиҳ амал мана шудир. Савоб умид қилишда бардавом бўлишингиз барча амалларингизни тоатга айлантиради. Тоат эса Аллоҳ таолонинг муҳаббатига элтади.

Агар Аллоҳ таоло сизни яхши кўрса, осмон аҳли ҳам сизни яхши кўради ва ерда сизга мақбуллик берилади. Имом Бухорий "Саҳиҳ"ида Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: **«Аллоҳ таоло бирор бандасини яхши кўрса, Жаброил алайҳиссаломни чақиради ва унга хитоб қилади: "Мен фалон бандани яхши кўраман, сен ҳам**

бирор бандасини ёмон кўрса, Жаброил алайҳиссаломни чақиради ва бундай хитоб қилади: "Мен фалончи бандани ёмон кўраман. Сен ҳам уни ёмон кўр". Шундан сўнг Жаброил ҳам ёмон кўради. Кейин у осмон аҳлига: "Аллоҳ таоло фалон бандасини ёмон кўради, уни сизлар ҳам ёмон кўринглар", дейди. Шундан сўнг осмон аҳли уни ёмон кўради».

12. Савоб умид қилиш билан неъматлар шукрини адо этасиз. Аллоҳ таолонинг неъматига шукр қилганингиз учун тоатингизни зиёда қилиш билан мукофотлайди. Тоатни сизга муяссар қилиши Унга нисбатан муҳаббат туюшингизга ёрдамлашади. Ана шунда ўзингизни тоатга кўниккан ва ундан ҳузурланган ҳолда топасиз. Савоб умид қилиш ва бошқа нарсалар ҳам сизга енгиллашади. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ Аллоҳ таолонинг: **"Қасам-**

ки, агар шукур қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман"

(Иброҳим сураси, 7-) оя-

тини: "Яъни, тоатимни зиёда қиламан", деб тафсир қилган.

13. Амалидан савоб умид қиладиган аёл одамлардан раҳмат эшитмагани, яхшилиги муносиб тақдирланмаганидан ранжимади. Чунки одамлардан мукофот кутиб

ни бажаргани учун берилади.

15. Сиз яшаётган кичик муҳит сиздан савоб умид қилишдек яхши амални ўрганиб олади. Боиси улар бунини ҳис этадилар. Ҳар куни кўз ўнгида бўлганингиз боис уларда чуқур таассурот қолдирасиз. Сиз суянадиган оила аҳлингиз, эрингиз, болаларингиз ва бошқа яқинларингизни назарда тутмоқдаман. Аллоҳнинг изни билан сизга

"Раббимни қандай рози қилсам экан?" деган ўйда тонг отиринг, кечга киринг.

17. Савоб умид қилсангиз, Раббингиз ҳузурида даражангиз кўтарилади. Набий алайҳиссалом Саъд ибн Абу Ваққосга: **"Сен (орқамда қолиб) яшаб, Аллоҳнинг розилигини истаб бир амал қилсанг, албатта, у сабабли даражанг ва мартабанг юксалади"**, деганлар.

савоб топасиз?

яшамайди. Фақат Аллоҳнинг розилигини истайди. Кўнгли хотиржам, гарчи яхшилик ёмонлик билан қарши олинса-да, модомики истаганига эришса, шунинг ўзи кифоя.

14. Гуноҳ ва ҳаром ишларни тарк этишдан савоб умид қилиш тоат бўлиб, қалбингиз саботи ва мақсадингизни кучайтиради. Сабаби қўлингиздан гуноҳ қилиш келатуриб, Аллоҳнинг розилигини истаб, уни қилмаслигингиз сизни хурсанд қилади. Чунки Аллоҳнинг амрига бўйсунганингиз учун савобдан умидворсиз ва Аллоҳнинг азобидан қўрқасиз: **"Раббиси ҳузурида туришдан қўрққанлар учун икки жаннат бор"** (Роҳман сураси, 46-оят). Раббиси ва Унинг ҳисоб-китобидан қўрққан, қайтарганидан қайтганга тилладан иккита жаннат бор. Иккисидаги барча нарсалар тилладан. Жаннатдан бири гуноҳларни тарк этгани, иккинчиси эса тоатлар-

эргашиб амал қилганларнинг савоби мислича қиёматга қадар сизга ҳам ёзилиб туради.

16. Савоб умид қилишнинг фойдасини дунёда ҳам оласиз, охиратга ҳам захира қиласиз. Агар ташвишингиз турли ибодатлардан умид қилинган савоб орқали Аллоҳ таолонинг розилиги ва Унга қурбат ҳосил қилиш бўлса, мукофот амалнинг жинсидан бўлади. Набий алайҳиссалом айтадилар: **"Кимнинг ғами дунё бўлса, Аллоҳ унинг икки кўзи олдида фақирлигини келтиради, ҳаёлини паришон қилади ва унга (мол-) дунёдан фақат ўзига тақдир қилинганигина келади. Кимнинг ташвиши охират бўлса, Аллоҳ унинг қалбида бойлик пайдо қилади ва хотирини жам этади. (Мол-) дунё у томон судралиб келади"** (Имом Термизий, Имом Ибн Можжа ривояти).

Шунинг учун охиратни ғам-ташвишингиз қилинг.

18. Солиҳ амаллар учун давомли савоб умид қилишга одатлансангиз, шаръий узр сабабли бажара олмаган амалингизга ажр олганингиз каби фойдани қўлга киритасиз. Аллоҳнинг фазли кенг. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **"Банда бетоб бўлса ёки сафар қилса, унга худди соғлом ва муқим ҳолидаги каби (савоб) ёзилади"**, деб марҳамат қилганлар (Имом Бухорий ривояти).

Умар ибн Хаттоб бундай дейди: "Эй одамлар, амалларингиздан савоб умид қилинглари. Ким амалидан савоб умид қилса, унга умиди учун ҳам ажр ёзилади".

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси

Ҳотами Асом бир куни аёлига:

– Мен тўрт ойлик сарфга кетаман. Шу муддатга қанча нафақа истайсан? – деб сўради. Аёли:

– Тирик қолишимга етгулик нафақа қолдиринг, – деди.

– Тириклингни ва ўлимнинг менинг қўлимда эмас, Ҳақ таолонинг қўлида, – деди Ҳотами Асом. Шунда аёли:

Аксарият аёллар ризқ берувчи Зотни унутиб, уни эрларидан талаб қилади. Бироқ беш қўл баробар эмас.

Нафс “жилови” тарбия занжирига боғлаб қўйилмаса, кундан-кун ҳакалак отади. Асосий орзуси Аллоҳнинг розилиги бўлган мўминаларга эса бу ҳол муносиб эмас! Оила бекаси тақчиллик ҳам, мўл-кўлчилик ҳам Аллоҳнинг иродасига кўра бў-

Ризқни ким беради?

– Ундоқ бўлса, менинг ризқим ҳам сизнинг қўлингизда эмас, жаноби Ҳақнинг қўлида, – деди.

Бу сўз Ҳотами Асомга ҳуш келди ва уни дуо қилди. Қўшни хотинлар аёлга: “Нечун эрингдан нафақа сўрамадинг?” дейишди.

Ҳотамнинг аёли бундай жавоб берди:

– Ҳотам ҳам мендек ризқ еувчи, берувчи эмас!

Ҳикояда Ҳотами Асом аёлининг исми келтирилмаган. Аҳамиятли жиҳати, бизларга ўша замонлардан туриб сабоқ бермоқда.

лишини англаши ва қаноатли бўлиши лозим.

Тилидан шукр тушмайдиган бир онахоннинг сўзларига қулоқ тутиш: “Оила хотиржамлигининг, фоний умримизни савоблар ва ибодатлар билан ўтказишнинг биргина йўли бор. Жуфтингиз билан ҳақ-ҳуқуқ талашиб эмас, марҳамат ва шафқат билан яшанг. Бир-бирини тушуниб, бир-бирига қўл-қанот бўлиб яшаш бахтиёрликдир. Оила бахтиёрлигининг кичик сири шуки, қийин дамларда бир-бирингизни айбламанг!”

Н. МАМАСАИДОВА



Тетик бўлай десангиз...

Доим тетик юрай, десангиз, сизга витаминларга бой аралашмани тавсия этамиз. Бунинг учун бизга 150 gr асал, 100 gr туршак, 100 gr олхўри қоқиси, 100 gr анжир қоқиси, 100 gr хурмо, 100 gr майиз, 100 gr ёнғоқ ва 1 дона лимон керак бўлади.

Анжир, хурмо, майиз ва туршакни идишга солиб, устидан қайноқ сув қуйиб, 10–15 дақиқа димланг. Қуритилган мевалар бироз юмшайди. Кейин сувни тўкиб, хурмони



данакларидан ажратинг. Қуритилган меваларни майдалаб тўғранг. Сўнг унга асал ва лимонни аралаштиринг. Аралашмани тоза шиша идишга солиб, музлаткичда сақланг.

Иммунитетни кўтарувчи ва витаминларга бой бу аралашмани эрталаб 2–3 қошиқдан ейиш мумкин.

Тиш оғриғининг давоси

Баъзан бемахалда тиш оғриғи безовта қилади. Бундай пайтда қуйидаги малҳам ёрдам беради: ½ ошқошиқ қуритилган ялпиз барглари олиб, унга 250 ml иссиқ сув қуйинг. Дока билан ёпиб, 1 соат олиб қуйинг. Сўнг сузинг ва ҳосил бўлган малҳам билан тишни чайинг. Агар янги барглар бўлса, уларни чайнаш мумкин.

Ёшлик “элексир”и

Инсон борки, ёшаришни истайди. Қуйидаги малҳам бунинг учун айна муддао. Идишга 1 kg пўчоғидан тозаланмаган ёнғоқни солиб, уни совуқ сув билан тўлдиринг. Сўнг 2 ҳафта давомида сақланг. Аммо сувини ҳар куни ўзгартириш эсдан чиқмасин. Ёнғоқларни эса кунига икки марта аралаштиринг.

2 ҳафта ўтгач, ёнғоқлар ейишга тайёр бўлади. Уларни музлаткичда сувда сақлашингиз керак. Кунлик меъёр – икки маҳал 3 та тозаланган ёнғоқ. Бу сизга иммунитет ва асаб тизимини тиклаш, қон айланишини яхшилашда ёрдам беради.